БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 18 сентябрь Сешанба № 177 (13.613). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Бағдод ноҳиясидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги аъзолари мазкур йилда 1614 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Улар бу йил ҳар гектаридан режадаги 31 ўрнига 35 центердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Шу кунларда бу ерда пахта йиғим-терими қизғин бормоқда.

Шоира Абдураҳмонова ўрта мактабни бу йил тамомлади. У хўжаликда қолиб пахтакорлик сирларини ўрганмоқда. Ҳозир кунига 180-200 килограммга етказиб «оқ олтин» тераётир.

СУРАТДА: чевар теримчи Ш. Абдураҳмонова.

Сураткаш Т. ҲАМРОҚУЛОВ.

Комсомол: кеча, бугун, эртага

Кераксиз ташкилотлар

ЁХУД КОМСОМОЛНИНГ МАВҚЕИНИ ТИКЛАШ ХУСУСИДА

Бизда шунчалик бекорчи ташкилотлар кўпки, асти қўяверасиз. Булар турғунлик йиллари ташкил қилинган бўлиб, улар ҳозирги замон талабларига жавоб беролмайди. Ҳатто бу ташкилотларнинг мавжудлиги жамиятимиз учун зарардир. Мана, масалан: ноҳия деҳқончилик саноат бирлашмалари, китобсеварлар, сувдан қутқарувчилар жамиятлари ва ҳакозолар...

Нима учун уларни бекорчи деяпман? Менинг фикри ожизимча, ҳозирда (илгари ҳам) деҳқончилик саноатчилари деҳқонларга қандай қилиб уруғни экиш, ниҳолларни қайси йўл ва усулларда суғориш, парваришлаш каби тадбирларни ўтказишда ўзларининг «қимматли» маслаҳат ҳамда йўл-йўриқларини бериб боради. Йил охирида эса берган маслаҳатлари эвазига ўша хўжаликлардан мўмайгина пул ундиради. Энди ўйлаб кўрайлик. Бутун умр пахта эккан деҳқон уни қандай экиш ва парваришлашни билмайдими? Ёки қандай қилиб, қовун-тарвуз етиштиришга тажриба ва уқуви етишмайдими?.. Мана, олайлик, «Сувдан қутқарувчилар жамияти» нима иш билан шуғулланади? Мисол учун мен умрим бино бўлиб бирон-бир сувда оққан фалон кишини сувдан қутқарувчилар жамиятининг фалон аъзоси қутқарибди, деб эшитмаганман. Умуман бизнинг шароитимизда ўз истаги билан бу жамиятга аъзо бўладиган биронта ҳам одам топилмаса керак. Энг муҳими бундай жамиятлар кўп ноҳияларда бор. Демак, қанчалаб одам бу ташкилотларда ишлаб, маош олади. Ниманинг ҳисобига? Яна ўша зўракичилик. Ходимлар уддабуронлик билан барча ташкилот ва хўжаликларга бориб қандай йўл билан бўлмасин бошлиқлар билан келишиб олишга ҳаракат қилишади. Мақсад — ўша хўжалик ёки ташкилот жамоасини ялписига сувдан қутқарувчилар жамиятига аъзо қилиб олиш. Аъзолар сони қанча кўп бўлса, аъзолик бадаллари ҳисобига жамият шунчалик бойийди. Худди шундай Китобсеварлар жамиятининг фаолияти ҳам фақат расмиятчиликдан иборат (ахир бутун умри далада ўтаётган қишлоқ одамларидан қандай қилиб «китобсевар» чиқсин) бўлиб қолган.

Америкалик машҳур ёзувчи Уильям Фолкнер ёшларга қарата шундай деган эди: «Сизлар — ер юзидаги барча ёшлар бирлашиб қайси йўлдан боришни билсаларингиз, дунёни ўзгартиришга, уни уруш балосидан, ҳақсизлик ва азоб-уқубатлардан халос этишга қурбингиз етади».

Ҳақиқатан ҳам ёшлар ҳатто дунёни ўзгартиршга (!) қурблари етади. Бунинг учун эса ҳар қандай жамият ана шундай ёшларни тарбиялаб, шу даражада камолга етказиши керак. Бу — ҳозирнинг (келажакнинг эмас!) иши. Акс ҳолда, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, лоқайд истеъмолчилар шу билан биргаликда маънавий мажруҳ тобелар авлодигина ўсиб-улғаяди. Бизда ана шу борада истаймизми-истамаймизми, тан оламизми ёки йўқми аҳвол яхши эмас. Мактаб таълим-тарбия ишларининг ниҳоятда ёмонлиги, ёшлар уюшмаси — комсомолнинг ҳозирда кам самарали ташкилотга айланиб қолганлиги бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги замон кишиси ўз вақтида маданий ҳордиқ чиқариши, илм-фан, дунё воқеалари билан танишиб, ўз дунёқарашини кенгайтириб бориши (токи бу одам ақлан шу даражада юксалиши лозимки, унинг тақдирини бошқалар эмас, ўзи яратсин ёки ўзгалар унинг устидан ҳукмронлик қилолмасин, у ўз-ўзининг ҳукмрони бўлсин!) керак. Шу билан биргаликда инсоният яратган маънавият бойликларини тушуниши, улардан баҳраманд бўла билиши лозим. Чунки, ота-она ким бўлишидан қатъи назар, авваламбор ўз фарзандларининг тарбиячиларидирлар. Келажак эгаларини ҳар томонлама баркамол бўлиб етишиши кўп жиҳатдан уларга боғлиқ.

Диалектика нуқтаи назари билан қараганимизда тарбиячиларнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари лозимлигини ҳисобга олсак, жамият ҳар бир отаонанинг етук тарбиячилар бўлишлиги учун қайғуриши керак. Шу жумладан мактаб, таълим-тарбия ўчоқларига бўлган эътиборни кучайтириш лозим. Бизда ана шу мезонлар тўғри йўлга қўйилдими? Йўқ. Шундай экан айни пайтда болалар тарбиясининг бузилиб кетганлиги туфайли ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайганлиги, ёппасига лоқайдлик касаллиги билан оғриши кабиларга таажжубланмасак ҳам бўлади.

Демак, ёшлар уюшмаси — комсомолнинг «касалланиши» ўз-ўзидан аён. Менингча, уни «даволаш» — ҳаётга қайтариш керак ва шарт. Таклифим: 1. Уюшмага ҳар томонлама кенг дунёқарашга эга бўлган ҳақиқий комсомол етакчиларини (токи улар сиёсий етук, ташкилотчи-тарбиячи, иқтисоддан бохабар, ишнинг кўзини биладиган, умуман маънавий баркамол бўлсинлар) сайлаш. 2. Ана шу етакчилар раҳбарлигидаги уюшма аъзолари ота-оналар ва мактаб билан алоқани мустаҳкамлашлари — бўлажак аъзоларининг жисмонан ҳамда руҳан соғлом бўлиб етишувида жонбозлик кўрсата билишлиги лозим.

Бундай ҳамкорлик шундан иборат бўлиши кераки, ўқувчи комсомолларнинг мактабда ва мактабдан бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш зарур. Шундагина ёшларнинг нотўғри йўлга юришларига барҳам берибгина қолмасдан, уларнинг ҳақиқий — жамият учун фойдали кишилар бўлиб етишувида муҳим аҳамият касб этсин. Шу билан биргаликда болалар ёшлигидан ҳаётни тўлалигича англаб етиши ва бирон бир касб бўйича йўлланма олган ҳолда, қўлидан бир иш келадиган мустақил кишилар бўлиб вояга етишсин. Шундагина биз ҳеч нарсага қизиқмайдиган, она юрт, миллат ва келажак тақдирини ўйламайдиган бефарқ манқуртларнинг пайдо бўлишини олдини олган бўламиз.

Комсомол ўз-ўзидан сиёсий эркин ва иқтисодий бақувват ташкилотга айланиб қолмайди. Бунинг учун аввало комсомолнинг ёки бўлажак комсомол аъзоларининг сиёсатдан, ижтимоий ҳаёт ва воқеликдан доимий хабардорлигига (улар шунга кўникишсин) эришиш лозим. Токи улар улғайиб бутун бир давлатни бошқариш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўша олишсин.

Энди иқтисодий бақувват ташкилотга айланиш учун қандай йўл тутиш лозим? Иқтисодий бақувват бўлиш учун аввало маблағ керак! Хўш, маблағ масаласини қандай қилиб ҳал этиш мумкин?

Илгари хўжаликларда номигагина тузилган комсомол-ёшлар бригадасининг 2-шаклини яратиш керак. Қандай қилиб? Хўжаликлардан ер сотиб олган ҳолда (ижарага олиш ҳам мумкин) ана шундай ёшлар бригадаларини ташкил қилиш ва улар тўғридан-тўғри хорижий фирмалар билан (ёки сиёсий, иқтисодий мустақил бўлган жумҳуриятлар билан) шартномалар тузиши керак. Ҳа, комсомол ўз маблағи ва ақл-идроки ҳисобига халққа маданий-маиший хизмат кўрсатиши, ишсизликни, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ҳақсизликни, жиноятчиликни ва ҳатто бутун бир халқни азоб-уқубатлар исканжасидан қутқариши мумкин. Йўқ буларни бирданига амалга ошириб бўлмайди. Комсомол дастлаб ўз олдига кичик-кичик вазифаларни қўяди. Жумҳурият ҳали ҳамон хом ашё базаси бўлиб қолаётган экан комсомол ўз ҳисобидан оддий мева-чеваларни қайта ишлайдиган корхоналар очиши, ҳар томонлама аъло хизмат қиладиган машина тузатиш устахоналари (ҳозирда талай «автосервис»ларда қўли қинғир «уста»лар хизмат қилади, шунинг учун ҳам кўпинча шахсий машина ҳайдовчилари уларга ишонишмайди), темирчилик, дурадгорлик, соатсозлик фирмаларини очиши керак. Ахир жумҳуриятимизда ҳам ҳар бир соҳада билимли, ҳунарманд комсомол-ёшлар топилади-ку!

Бундай фирмалар ташкил қилинишининг иккинчи фойдали томони, кўпгина ёшлар иш билан таъминланишига эришилади ҳамда шу билан биргаликда юртдошларимизга кўрсатилаётган хизмат маданияти яхшиланади. Маълум маънода ҳақсизликларга барҳам берилади. Ва ниҳоят, бунинг яна бир яхши томони — комсомол ўз маблағларини тобора кўпайтириб боради. Ана шундан сўнг у янада каттароқ вазифаларни ўз олдига қўяди. Масалан, пахта хом ашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқиладиган корхоналар ташкил қилиши мумкин. Ҳатто бу корхоналарга айни пайтда ишсиз бўлган катта ёшли кишилар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Бу мулоҳазалар кимлар учундир хаёлий туюлар. Лекин, менимча, буларни амалга оширса бўлади. Демократия бу — маълум маънода ўзлигини яхши англаб етган халқнинг ўз-ўзини бошқарувига асосланар экан, ёшлар ҳам ана шу халқнинг ажралмас бир қисми-ку! Яна қандай денг. Энг онгли, шижоатли, юрагида ўти бор гуруҳ — бу ёшлар. XVIII асрда яшаб ўтган рус публицисти ва жамоат арбоби Николай Шелгунов таъбири билан айтганимизда: «Ёшлик ўзининг олижаноб ташаббуси, софликка, адолатга, башарий ҳақиқатга беҳудуд интилиши билан тараққиётнинг буюк кучларидан бирини ташкил қилади». Хўш нима учун энди ана шундай буюк кучга эга бўлган халқ ҳатто давлат бошқарувида иштирок эта олмаслиги керак? Менингча, нафақат иштирок этиши, улар ана шу ҳаракатнинг жонбахш ва етакловчи кучи бўлиши лозим.

Алимардон ХИДИРОВ.
Самарқанд вилояти.

УЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

«Ангрен» кўмир кони ремонтчиларининг ҳафсала билан олиб борган тайёргарлик ишлари кутилган натижани берди. Кўмир кони марказий электромеханика устахоналарининг жамоаси ўз кучи билан саноат электровозларини капитал ремонт қила бошлади.

Электровозлар тортиб юрадиган «айланма» составлар деб аталган поездлар кончиларнинг биринчи ёрдамчиларидир. Худди шу вагонларда кондан қазиб олинган тупроқ ташиб кетилади. Техникадан устма-уст, доимий фойдаланиш натижасида у тез-тез ишдан чиқиб туриши табиий. Шу сабабдан электровозларни мустақил тиклаш, Урта Осиё магистралига тегишли хизмат маҳкамаларига боғлиқ бўлмаслик хусусида қарор қабул қилинди.

Днепропетровск электровозсозлик заводининг ихтисослашган конструкторлик бюроси ходимлари бу ишда кончиларга катта ёрдам беришди. Улар ангренликларга зарур техникавий ҳужжатларни бердилар. Шу ҳужжатлар ёрдамида устахоналарда жиҳозлар ва мосламалар тайёрладилар.

ҒОЯ ИЗЛАБ...

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти тармоқлараро илмий тадқиқот лабораторияси олимларининг ихтироси хориждаги кўпгина фирмалар вакилларини қизиқтириб қолди.

Тошкентликлар пластмассаларни қисқа товуш билан пайвандлашнинг оддий ва ўзига хос услубини таклиф этдилар. Полистиролдан ясалган буюмларни елимлаш учун дихлорэтан, заҳарли материаллардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз, бунинг устига экологик жиҳатдан зарарли эди. Янгилик бир нафас ичида атроф-муҳитга зиғирча ҳам зарар етказмай, бу ишни жуда катта аниқликда бажаришга имкон беради. Қисқа товушли пайвандлаш усули жумҳуриятимиздаги бир қанча корхоналарда синаб кўрилди ва яхши эканлиги маълум бўлди. Жумладан, бундай қурилманинг тўрттаси «Совпластитал» Совет-Италия қўшма корхонасига, иккитаси қуёшдан муҳофаза қилиш қурилмалари заводига, биттаси реле ва автоматика заводига ўрнатилган. Фақат битта машинани жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара йилига 25 минг сўмдан 50 минг сўмгача бўлмоқда.

ДИЛДАН СУҲБАТ

«Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси — ҳар томонлама таништиришга муҳтож бўлмаган ташкилот. Халқаро ёшлар туризми бюросининг муваффақиятлари ва камчиликлари тўғрисида кўп эшитгансиз. Ёшлар туризми бюроси ва унинг муаммолари тўғрисидаги ахборотни бевосита ана шу иш билан шуғулланувчилардан эшитиш ҳар ҳолда қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз.

«Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномалари **«Спутник» халқаро ёшлар туризми жумҳурият бюроси раиси Ҳ. Зайниддинов** билан бугун соат 15 дан 17 гача учрашув ўтказадилар. Ўзаро савол-жавоб учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилишингиз мумкин: **33-95-97 ёки 32-55-84.**

ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

Жумҳуриятимиз президенти ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш тўғрисида»ги фармонини билим даргоҳимиз барча ўқувчи ва ўқитувчилари зўр қониқиш билан кутиб олди. Бу Фармон барча ўқувчиларни ўқиш ва ишда янада фаолроқ бўлишга, уларда масъулиятни оширишга ундайди.

Ҳукуматимиз қилаётган ғамхўрликлардан биз — талабалар ғоятда мамнунмиз.

Т. ВАИСОВ,
Тошкент Давлат маданият олийгоҳи толиби.

Шу сонга хабар

Мукофотлар топширилди

Эсингизда бўлса, ўтган 1989 йилги пахта йиғим-терими арафасида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё жумҳуриятлари ёш механизаторлари ўртасида «Даъват» совринини ташкил этганди. Куни-кеча мукофотларни топшириш маросими бўлди. Унда илғор механизаторлар иштирок этишиб, авваламбор, шу куннги долзарб муаммолар, пахта йиғим-терими билан боғлиқ бўлган бугунги ва эртанги вазифалар тўғрисида гаплашиб олдилар. Суҳбат қизғин баҳслар, тортишувлар асосида ўтди.

Утган йилги пахта-йиғим терими даврида «зангори кема» бункеридан 315 тонна «оқ олтин» тўккан Наманган вилояти Задарё ноҳиясидаги «Гулбоғ» давлат хўжалиги илғор механизатори Ҳусан Ашуров — биринчи, Тожикистон ССЖ Хатлон вилоятининг Ёвон ноҳиясидаги «Ёвон-6» давлат хўжалигидан Донохон Бобоқулов — иккинчи ва Қирғизистон ССЖ Уш вилоятининг Ленин ноҳияси «Коминтерн» жамоа хўжалиги механизатори Акбарали Жапаров учинчи мукофотга сазовор бўлдилар.

Мукофотланганларни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси иккинчи котиби И. Бибиков қутлади ва уларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширди.

* * *

«Менинг биринчи китобчам» — ёдингизда бўлса, Ўзбекистон «Китобхон» жамияти Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси истеъдодларни кашф этиш, уларга ўз иқтидорларини кенгроқ намоён этишга имкониятлар яратиш мақсадида ана шу номда ёш қаламкашлар конкурсини эълон қилган эди.

Конкурсда жумҳуриятимизнинг турли вилоят ва ноҳияларидан кўплаб қаламкашлар иштирок этдилар. Дастлабки босқичлар ортда қолгач, 70 қўлёзма жумҳурият миқёсидаги босқичга тавсия этилди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоира О. Ҳожиева раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳар бир қўлёзма билан унинг ортида мурғак ижодкор қалби мавжудлигини ҳис қилган ҳолда синчиклаб танишиб чиқдилар. Конкурсга тавсия этилган қўлёзмалар орасида М. Раҳматуллаева, Ш. Носирова, Ю. Мухторовалар асарлари биринчи мукофотга сазовор деб топилди. Т. Бутовская, Б. Тиллаев, Н. Холмуродов, З. Раҳматуллаева, Ҳ. Дўстқобилов, Ҳ. Норқобиловалар иккинчи мукофот соҳиби бўлдилар. Иқтидор эгаларидан яна ўн нафари учинчи мукофот, 22 нафари эса конкурснинг рағбатлантирувчи мукофоти билан тақдирландилар.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида кеча ғолибларга мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиби А. Қодиров, Ўзбекистон «Китобхон» жамияти вакили Б. Иброҳимов, таниқли болалар ёзувчилари Ҳ. Назир, Х. Тўхтабоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Т. Малик, «Ёш гвардия» нашриёти бош муҳаррири шоир Н. Нарзуллаевлар ёш ҳаваскор шоир ва ёзувчиларни илк муваффақият билан қутладилар. Уларнинг ижодларига ривож тиладилар. Конкурс ташкилотчи ва иштирокчилари жумҳурият «Китобхон» жамияти, айниқса, фаол жонбозлик кўрсатган бу каби хайрли тадбирни мунтазам ўтказиб туриш тарафдори эканликларини маълум қилишди.



СУРАТДА: конкурс иштирокчилари.

Е. БОТИРОВ сурати.

Акбаралини кўрганлар борми?

Ҳозирги пайтда ҳар бир кунимиз ташвиш ва тасодифларга тўла. Фуқаролардан ҳар куни хавотир ила мактублар олаяпмиз, тўхтовсиз қўнғироқлар...

Айниқса, бизни қийнаётган нарса, жумҳуриятимизда дом-дараксиз йўқолаётганлар сонининг ошаётгани. Мана қўлимизда яна бир ташвишли хабар: **Фарғона вилояти, Тошлоқ ноҳияси, Қумқўрғон қишлоқ Шўросидаги «Правда» рўзномаси кўчаси, 58-уйда яшовчи 1972 йилда туғилган Қодиров Акбарали Ёдгоралиевич шу йилнинг 21 июнь куни уйидан чиқиб кетганича қайтиб келмаган. Тақдири ҳамон номаълум.**

Алоҳида белгилари: бўйи 165-170 сантиметр атрофида, корачадан келган, қулоқлари катта. Шу куни устида сариқ рангли кўйлаги, қора ранг шими, оёғида эса калиш бўлган.

Агар кимда-ким Акбарали ҳақида бирор маълумотга эга бўлса, ўзларига энг яқин бўлган ички ишлар бўлимига «02» телефони орқали хабар қилишларини илтимос қиламиз.

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими, милиция капитани.

Қўмита мажлиси

Яқинда Ўзбекистон ССЖ Олий Шўроси ёшлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жумҳурият олий ўқув юртлари талабаларининг маиший турмуш шароити масалалари кўриб чиқилди. Чунончи пойтахт талабалар шаҳарчасида истиқомат қилаётган Тошкент Давлат дорилфунуни, политехника ҳамда 2-тиббиёт институти ётоқхоналарини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот тингланди. «Ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонуни лойиҳасини тайёрлаш қандай бораётгани ҳақидаги ишчи гуруҳи ахбороти эшитилди.

Шунингдек, Олий Шўро қўмитаси шу йилнинг октябрь-декабрь ойлари иш дастурини тасдиқлади ва ташкилий масалаларни муҳокама қилди.

Мажлисни қўмита раиси А. А. Аъзамхўжаев олиб борди.

Ширин ва хушбўй ичимликлар

Ховренко номли Самарқанд комбинати «Жасорат» деб аталган янги вино ишлаб чиқара бошлади. У таъми жиҳатидан машҳур «Чашма» виносини эслатади, лекин ундан ширинроқ ва хушбўйроқдир. 19 даражали бу ичимлик узумнинг Оврупо навларидан тайёрланади, таркибида 8 фоизга қадар шакар бор.

Комбинатда винонинг яна бир «Роҳатбахш» деб аталган янги нави ишлаб чиқаришга тайёрланди. Бу оқ мусаллас «Ркацители» ва «Баян-ширей» навларидан тайёрланади.

Комбинат келаси йилнинг январидан янги виноларни харидорларга кўплаб етказиб беради.

(ЎзТАГ мухбири).

Байналмилал дўстлик

Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва қўшни Афғонистон Жумҳуриятининг Балх вилояти ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу борада, айниқса, ҳар иккала вилоят ёшларининг ташаббускор бўлаётгани ибратлидир. Яқинда афғонистонлик бир гуруҳ ёшларнинг Гагарин ноҳиясига ташрифи таассуротларга бой бўлди. Меҳмонларни ноҳия комсомол-ёшлари нон ва туз билан кутиб олдилар. Сўнг ноҳия комсомол қўмитасида ўзаро танишув ва дўстона суҳбат бўлди. Ноҳия комсомол қўмитаси биринчи котиби А. Муродов ноҳия комсомолларининг ҳаёти, улар амалга ошираётган ишлар ҳамда ютуқ ва муаммолари ҳақида афғонистонлик ёшларга гапириб берди.

Меҳмонлар ноҳия бўйлаб сафарда бўлишди. Дастлаб улар Янгиобод давлат хўжалигига йўл олдилар. Хўжалик директори А. Ҳайдаров хонасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида афғонистонлик ёшлар қўриқнинг тўнғич хўжалиги тарихи, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти билан танишдилар. Балх вилояти комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Жонимуҳаммад самимий меҳмондорчилик ва эҳтиром учун хўжалик меҳнаткашларига ташаккур билдирди. Меҳмонларга эсдалик учун тўн, дўппи кийдирилди. Афғонистонлик ёшлар ҳам ўз совғаларини тақдим этдилар. Меҳмонлар хўжалик марказида жойлашган «Ёш техниклар» станциясида истеъдодли ёшлар ўз қўллари билан ясаган тайёра моделларини кўриб, улар шаънига илиқ фикрлар билдиришди.

Улар ибн Сино номли 7-мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари билан ҳам мулоқотда бўлдилар. Мактаб директори А. Қўзиев меҳмонларни мактаб ҳаёти ва таълим-тарбия жараёни билан таништирди. Бу ерда ҳам афғон ёшларига эсдалик совғалар ҳадя этишди. Давлат хўжалиги ветеранлар кенгашида бўлиб ўтган учрашув меҳмонлар учун айниқса, унутилмас бўлиб қолди. Улар бу ерда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, Афғонистонда ўз хизмат бурчини ўтаган ва ўтаётганда ҳалок бўлган собиқ байналмилалчи жангчилар ҳаёти билан кўргазмалар, суратлар орқали танишдилар. Шунингдек, улар Гагарин дон маҳсулотлари комбинатида ҳам бўлдилар.

Рудакий номли мактаб директори П. Шоимов раҳбарлигида тарихий ёдгорлик — Кампиртепага саёҳат ҳам афғон ёшларида катта қизиқиш уйғотди. Дарҳақиқат, «Правда» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Кампиртепа обидаси Кушонлар даврида Куджула Кафдиз подшолигида қурилган экан. Юнонлар бу қалъани Наутаг, яъни меҳмонхона деб юритишган. Қадимий карвон йўли шу жойдан — Амударё орқали ўтган. Меҳмонлар қалъа деворини, бир қанча ҳумларни, оташпарастлик ибодатхоналарини, омборхона., темирчилик хоналарини кўздан кечирдилар.

Қизиқарли ўтган бу учрашувлар нафақат меҳмонларни, балки ноҳия меҳнат аҳлини ҳам қувонтирди. Бундай дўстлик учрашувлари Амударёнинг икки соҳилида жойлашган халқларни бир-бирига янада яқинлаштириши шубҳасиздир.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Шу сонга хабар



Тошкентдаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси кейинги пайтда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, унинг сифатини янада яхшилашга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Ишчи-хизматчиларга қулай иш ва маданий-маиший шароитларни яратиб бериш ҳисобига шунга эришмоқда. Манфаатдорлик бор жойда ютуқлар бўлишини маъмурият ҳам, жамоа ҳам тўла англаб етди. Бу ерда авж олган ўзаро меҳнат беллашувида Матлуба Шамшиева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТДА: бригада саркори Матлуба Шамшиева ўзлари тиккан футбол тўплари билан.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Комсомолда нима гап?

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги комсомол фаоллари ва кадрларининг малакасини ошириш институти тингловчилари билан жумҳурият Олий Шўросининг ёшлар ишлари бўйича Қўмита раиси Алишер Аъзамхўжаев билан учрашуви бўлиб ўтди. У қўмитанинг иши тўғрисида гапириб берди, келгусидаги режалари билан баҳам кўришди.

Таҳсил кўраётган комсомол қўмиталарининг котиблари, ташкилий ишлар бўлими мудирлари ижодкор ёшлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Шўролари Ижтимоий Жумҳуриятининг «Ўзбекистон ШИЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини олишди. Мунозара давомида унинг айрим қоидалари, комсомол ва жойлардаги Шўро органлари ҳамжиҳатлиги муаммолари муҳокама қилинди.

Ёшлар ишлари бўйича қонун лойиҳаси қачон Олий Шўрода кўриб чиқиш учун тақдим этилади? — деган саволга Алишер Аъзамхўжаев шундай жавоб қилди. «Олий Шўронинг шу йилги кузги (ноябрь) сессиясида қўмита жумҳуриятда ёшларнинг аҳволи, муаммолари тўғрисида кенгайтирилган маъруза билан чиқишни режалаштирмоқда. Бунда депутатларни ана шу мавзуга тайёрлаш назарда тутилган. Кейин, 1991 йилнинг 1 сессиясидан кечикмай лойиҳа муҳокамага қўйилади. У қандай қабул қилиниши депутатларга боғлиқ бўлади. Бу кўп жиҳатдан ёш депутатлар, комсомолдан сайланган депутатларга боғлиқ бўлади.

Учрашувда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби И. А. Бибиков ваъз қилди.

БИР ФОИЗНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

Чироқчи ноҳия комсомол қўмитаси ноҳия депутатлари билан узвий алоқада иш олиб бораяпти, Ноҳия Шўросининг навбатдаги сессиясида олинаётган умумий фойданинг бир фоизини ёшлар эҳтиёжи учун ноҳия комсомол қўмитаси бюджетига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШАРТНОМА ТУЗИЛДИ

Талабалар отрядлари жумҳурият штаби Свердловск вилоятининг «Уралмашзавод» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитаси ҳузуридаги ёшларнинг хўжалик ҳисобидаги «Полис» маркази билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузди. Ҳар икки томон учун фойдали бўлган ҳамкорликнинг мақсади, узоқ муддатга мўлжалланган режалари аниқлаб олинди.

Хориждан хабарлар

Қўшинларнинг жанговар машқлари

Ироқ АҚШни ўзига ҳужум қилиш учун баҳона қидиришда айблаб, бундай хатти-ҳаракат учун Президент Буш шахсан жавобгар бўлади, деди. Ироқ ҳукумати минтақада Ироқ хавфсизлигига таҳдид қилаётган бу ердаги Америка қўшинларига қарши ўз-ўзидан терроризм тўлқини бошланиб кетиши мумкин, деб огоҳлантирди. Ироқ ҳукумати вакилининг гапларига қараганда, бу баёнот АҚШ ҳукуматининг хусусий мактубига жавобдир. Ана шу мактубда америкаликларга қарши ҳар қандай террорчилик ҳаракатлари учун айб Саддам Ҳусайн зиммасига юклатилади, дейилган эди.

Американинг Яқин Шарқдаги бир қанча элчихоналарига ва АҚШнинг турли мамлакатлардаги ҳарбий базаларига ҳозироқ хавф солинмоқда. Американинг террорчиликка қарши курашувчи қисмлари юқори жанговар тайёргарлик ҳолатига келтирилган. Американинг Саудия Арабистонидаги қўшинлари қўпорувчилик ҳаракатлари бўлиши мумкинлиги сабабли хавфсизлик чораларини кўрмоқда. Америка қўшинлари Саудия Арабистонига келтирилганидан буён биринчи марта жанговар отишмалар билан ҳарбий машқ ўтказдилар.

Пентагоннинг маълумотларига қараганда, Қувайт ҳудудининг ўзида Ироқнинг Америка қисмларига қарама-қарши турган армияси ҳозирги вақтда 120 минг кишидан иборат. АҚШ денгиз пиёда аскарларининг эҳтимол тутилган ҳужумини даф этиш учун 1600 танк ва 40 минг кишилик корпус Қувайт соҳили бўйлаб жойлаштириб қўйилган. Ироқнинг деярли 10 минг кишидан иборат денгиз пиёда аскарлари бригадаси Бубиян оролида турибди. Мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг «Мираж» тайёралари билан таъминланган ва Францияда тайёргарликдан ўтган сараланган қисмлари ҳам Қувайт чегарасига келтирилди. Ироқнинг яна 70 минг кишилик энг яхши қўшинлари — замонавий танклар ва артиллерия билан таъминланган миллий гвардия Басра жанубида тўпланиб турибди ва Қувайт ҳудудидан Ироққа бостириб кирган ҳар қандай Америка қисмларига зарба уришга тайёрдир.

АҚШнинг «Стелс» технологияси асосида яратилган кўзга кўринмас «Ф—117» бомбардимончи тайёралари ҳақиқатда Саудия Арабистони армияси аслаҳалари орасидаги Францияда ишлаб чиқарилган радарлар экранида кўриниши тўғрисидаги хабар америкаликлар учун кўнгилсиз шов-шув бўлди. Бу хабар АҚШни жиддий ташвишга солиб қўйди. Чунки Франциянинг ана шундай радарларни ишлаб чиқарувчи «Томсон» компанияси илгари электрон ускуналарни Ироққа етказиб берган эди.

Шу билан бир вақтда Ироқ ўз аҳолисини АҚШга қарши «муқаддас уруш» қилиш зарурлигига ишонтириб, кенг ташвиқот кампаниясини олиб бормоқда. Ироқ ахборот вазири ҳозиргача 5 миллион лашкар рўйхатга олинганлигини, улар исталган пайтда доимий армияга қўшилиш мумкинлигини айтди.

Ҳарбий мутахассислар Ироқ армияси яхши таълим олган ва Эрон билан уруш давомида жиддий тайёргарликдан ўтган, деб ҳисобламоқдалар.

(СИТА).

ҲАФТАНИНГ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАРИ

19 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Германия Демократик Жумҳурияти халқ палатасининг мажлиси бўлади. Мажлисда Германия Демократик Жумҳурияти билан Германия Федератив Жумҳурияти ўртасида иккала давлатни бирлаштириш тўғрисида шартномани тасдиқлаш режалаштирилмоқда.

Лондонда «Совет энергияси янги Европада — қўшма корхоналар ва ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида икки кунлик семинар бошланади. Унда Совет Иттифоқи вакиллари қатнашадилар.

Япония Бош вазири Тосики Кайфу мамлакат ташқи сиёсати масалалари юзасидан нутқ сўзлайди.

20 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Польша сеймининг мажлисида парламент ва президент сайлови ўтказиш учун зарур бўлган қонунларни қабул қилиш мўлжалланмоқда.

Бонн шаҳрида Бундестагда икки герман давлатини бирлаштириш тўғрисидаги шартнома муҳокамаси тугалланиб, у тасдиқланиши керак.

Венада Европада оддий қуролли кучлар юзасидан музокараларда навбатдаги ялпи мажлис бўлади.

Сан-Себастьянда халқаро кинофестиваль очилади.

21 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Белградда Дунайбўйи давлатларининг вакиллари иштирокида «Дунай — ҳамкорлик дарёси» мавзусида халқаро конференция очилади. У 23 сентябргача давом этади.

ГФЖ бундесрати (ўлкалар палатаси) икки герман давлатини бирлаштириш тўғрисидаги шартномани муҳокама қилиб бўлади ва уни тасдиқлаши керак.

Венада Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига оид музокараларда ялпи мажлис бўлади.

АҚШ мудофаа вазирлигининг Мадридга ташрифи бошланади.

Ҳукмрон либерал-демократик партиянинг таклифига биноан Японияга борган совет ёшлари катта делегациясининг сафари ниҳоясига етади.

(СИТА).

ОСМОНДАГИ УЗУНҚАНОТЛАР

Кейинги йилларда Жанубий Қурия (Корея)нинг осмонида худди (суратдаги) шундай узунқанот «қушлар»ни тез-тез учратиш одатий ҳолга айланиб қолди. Уни инсон бошқаради.

Қурилмани Жанубий Қуриянинг «Донгянг ноззл компани лимитед» фирмаси Франциянинг «Космос» аэрокосмик концерни билан ҳамкорликда ишлаб чиққан. Мамлакатда бундай узунқанот қурилмаларнинг ўн хил тури мавжуд.

Уларнинг қуввати 38 тадан 64 тагача от кучига эга. Қанотининг узунлиги эса 15—21 метрни ташкил этади.


Қурилма учиши ва қўниши учун атиги 9 метр текис майдон керак холос. Шуниси қизиқки, у сув юзига ҳам қўна олади.

Тўғри, бундай тайёрачалар Европада, АҚШ ва Японияда ҳам ишлаб чиқарилади. Лекин қурияликларникини юқори баҳолашмоқда. Чунки у мутахассисларнинг фикрича, нафақат спортчилар учун балки қишлоқ хўжалигида юк ташиш учун, тоғ ва ўрмонларни кузатиш учун ҳам мўлжалланган.

Бироқ шуниси ачинарлики, қурияликлар уни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишолмаяпти. Сабаби унинг кўп ускуналари қўлда тайёрланади. Аммо шунга қарамасдан бу узунқанотлар келажакда мамлакат фуқаросининг шахсий транспорт турига айланади, дейишмоқда корейс биродарлар.

СУРАТДА: икки кишилик тайёрача самода.

СИТА суратлавҳаси.



РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АХЛАТЛАРГА КЎМИЛИБ БОРЯПМИЗМИ!

● ИСПАНИЯНИНГ «Коносер» ойномасида жамоат ишлари вазирлиги томонидан Мадридда ўтказилган тадқиқот натижалари эълон қилинди. Маълум бўлишича, Испаниянинг 40 миллион аҳолиси ҳар йили 11 миллион тонна ахлатни уйидан чиқариб ташлар экан. Ташвишланарли жойи шундаки, мамлакатда ҳалиям ахлатларни қайта ишлаш йўлга қўйилмаган. Лекин бундай ҳол фақат Испания учунгина характерли эмас. Бурноғи йили бутун Европа шаҳарлари 100 миллиард тонна ахлатни табиат қўйнига «совға» қилган.

Ахлат чиқариш бўйича испанлардан кейинги ўринда америкаликлар туради. Уларнинг бир йиллик ташлаган ахлати киши бошига 744 килограммни ташкил этади. Ҳар бир француз, итальян ва инглизларнинг ташлаган ахлати эса йилига ўртача 300 килограммдан тўғри келади. Шу ўринда энг кам ахлат чиқарадиган фуқароларни ҳам эслаб ўтмоқ жоиз. Улар эфиопияликлардир — йилига 50 килодан чиқаришади, холос.

ТАРИХДА ЭНГ БИРИНЧИ ИШ ТАШЛАШ

● ИШ ТАШЛАШЛАР ҳақида кунда бўлмасада, ҳар қалай тез-тез радио ёки ойнаи жаҳондан эшитамиз, матбуот орқали хабар топиб турамиз.

Шу иш ташлашлар биринчи бўлиб қаерда ва қачон бўлган экан-а, деган савол кўпчиликни қизиқтирса керак. Буни қаранг, «Гиннеснинг рекордлар китоби»да ҳатто шу саволга ҳам жавоб бор экан. Биринчи иш ташлаш эрамиздан аввалги 309 йилда Римда Аристос номидаги оркестр раҳбарлари томонидан содир этилган экан. Иш ташлашга озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхши таъминланмаганлик сабаб бўлган.

САЙЁРА УЧУН «СОЯБОН»

● ШВЕЙЦАРИЯЛИК олим Вальтер Зейфриц сайёрамизни жазирама иссиқдан ҳимоя қилиш учун ўзига хос лойиҳа ишлаб чиқди. У бутун Ер юзига соя ташлаб турадиган улкан «соябонни» Ер орбитасига ўрнатмоқчи. Алюминли кўзгу билан жиҳозланган бу йўлдош Зейфриц ҳисоб-китоби бўйича ердан 1,5 миллион километр баландликда жойлашади.

Лойиҳани амалга ошириш учун 45 тонна металл ва 20 йил вақт керак.

Югославиянинг «Кураш» рўзномасида ёзишларича, лойиҳа баҳоси бутун дунёнинг 20 йиллик ялпи миллий даромадининг 6 фоизига тенг экан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Унда ноҳия комсомол қўмитаси котиби раҳбарлиги остида болалар ва қизлар ҳаммомда бир-бирларини навбатма-навбат севишади ва ҳоказолар, Сиз уни кўрмадингизми?

Ю. Ч. Комсомол укамиз бунга ўхшаш бирор бир ножўяликка қўл уришига йўл қўйганлигига ҳеч қачон ишонмайман. Бизнинг ҳар биримиз ўзимизнинг аниқ ишимиз билан машғул бўлганмиз. Командировкаларга боришга, бошланғич комсомол ташкилотларида бўлишга, комсомол конференцияларида иштирок этишга тўғри келарди; комсомол шуғулланиши лозим бўлган масалалар билан машғул эдик. Бизда умуман ижозат этилмаган ҳар хил тарзда вақт ўтказишга куч-имконият етишмасди. Бошқача айтсам, Андрей Викторович, бунга ўхшаш ишлар қаттиқ жазоланар эди.

А. К. Лекин бирор бир қандайдир мисоллар борми?

Ю. Ч. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси аппаратидаги жамоа ёқарди, Тяжельников, Павлов, Пастухов ёқарди. Бутуниттифоқ миқёсидаги бу ўртоқлар, раҳбарлар тўғрисида ғоят эзгу таассуротлар қолган. Бироқ, ўша йиллардаги ташаббусларни лаънатланаётганликлари менга тушунарли эмас. Умумхалқ қурилишлари — бу ажойиб-ку! Менинг ўзим ҳам уларда қатнашишимга тўғри келган. Мен уч ойдан зиёдроқ қурилишда бўлганман, ана шу ёшларни кўрганман. Липецкда, металлургия комбинати қурилишида, менимча, шундай деб аташарди, бўлганман. Комбинат жуда мафтункор бўлган. Ҳозир-чи... ёмонлашади... мен шунчаки уялган бўлардим.

Биз комсомол амалга оширган ўша аниқ ишларни унутмаслигимиз зарур. Шахсан мен ички ишлар хизматига яхши, агар истасангиз, комсомол мафкура зуваласи билан кетганман. Яъни нимаики яхши хислатлар бўлса, барчасини миямга комсомолдан қуйиб олганман. Бу менга кейинги ишларимда ёрдам берди. Щелоков комсомол ходимлари олдида Ички ишлар вазирлигининг эшикларини кенг очди. Баъзи бир йигитлар айтишганидек, бирор-бир нарсани эплашолмагандан сур-сур билан боришди. Улар ҳозирги пайтда ҳам ишлашмоқда. Уларнинг айримлари менга бу ерга, колонияга мактуб йўллаб туришади. Улар мендан руҳимни тетик тутишни сўрашади, салом йўллашади. Улар билан хат ёзишиб тураман, бу ёрдам бермоқда. Бу ердаги маҳбус бўлган офицерларнинг кўпчилиги ўша йилларда ишлаганлар... Учрашиб турамиз, муҳокама этамиз, хотирлаймиз. Мен улар ёмон фикрга боришади деб айтмоқчи эмасман. Мана ўзингиз қаранг, бу ерда, «зона» бўйича мисоллар қанчадан-қанча. Одамлар судда 8 ёки 10 йил олиб, беш йил ўтириб чиққанидан кейин тўла оқланишмоқда ва органдаги аввалги ишига қайтмоқдалар. Суд ва прокуратура улардан узр сўрамоқда. Мана, Андрей Викторович, улар беш йил шу узр сўрашни кутишган. Бу кишилар фақат мақтовга лойиқдирлар. Кадрлар сиёсатида мана шундай қинғайишлар зарурмиди? — деган савол туғилади. Улар нима бераяпти? Кейин эса Лиханов шундай ёзади...

А. К. Айтгандек, Лихановнинг мақоласи «Огонёк»да чоп этилгани сиз Галина Леонидовна Брежнева билан қандай танишганлигингиз ҳақида батафсил ҳикоя қилади. У ерда ҳам «қинғайишлар» борми, сиз нима деган бўлардингиз?

Ю. Ч. Мен ёш Лиханов ўрнида бўлганимда ошкора ана шундай нарсалар ҳақида... гапиришдан уялган бўлардим. Бу журналист қаламини безамайди. Лекин ана шу ҳақда гап очилган экан, Андрей Викторович, биз мутлақо тасодифан танишганмиз, «режалаштирилган танишиш» бўлмаган. Мен ўртоғим билан Меъморлар уйида кечки овқатланишга шунчаки борган эдим. Бўйдоқ офицер ёмон бўлмаган маошга эга бўлиб туриб, кечки овқатга нимага бормаслиги мумкин деб айтасизми? У ерда, таниш улфатлар билан ёшгина мафтункор аёл ўтирарди. Менга бир қарашдаёқ ёқиб қолди. Бу Галина Брежнева эканлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Танишишимиз мана шундай содир бўлган эди. Кейинчалик у менга кимнинг қизи эканлигини эътироф этди, фақат кейинчалик.

(Боши ўтган сонларда).

«...ЛЕОНИД ИЛЬИЧ ЎЗИ ҲАҚИДА ЯХШИ ХОТИРА ҚОЛДИРДИ»

ЮРИЙ ЧУРБАНОВ, МАҲБУС, 1979-1985 ЙИЛЛАРДА КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОД, СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ МУОВИНИ, ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК.

А. К. Сиз бу хабарни қандай кутиб олдингиз?

Ю. Ч. Биласизми, оддийгина. Оёқларим қалтирагани йўқ. Ҳа. Қандайдир.. ёмон фикр бўлиш мумкин эмас. Одам ёқиб қолдими, бошни қовуштириши керак.

А. К. «Огонёк»даги суратга қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, Галина Леонидовна ойнаи жаҳон экранига суратга олинган пайтидагига қараганда, эсингиздами, ўшандан буён кескин ўзгариб кетган...

Ю. Ч. Буни тинтув вақтида олишган. Тинтув бўлганида полковник Миртов бир гуруҳ телекамералар билан келган. Улар мол-мулкларни видеоёзув ёрдами билан хатга олишган.

А. К. Нима учун?

Ю. Ч. Бу саволни терговчиларга бериш зарур деб ўйлайман. Яна енгил дабдаба, шов-шув учун, Андрей Викторович, оиламиз теварагида қандай шов-шув кўтарилганлигини сиз эслайсиз-ку. Чурбанов — порахўр, марҳум Бош котибнинг қизи — ўз маблағлари ҳисобидан яшамади ва яшамаётир. Ва ҳоказолар дейишди. Қонунларимиз бўйича бундай ёзув тақиқланмаган. Лекин Миртовга рафиқам мол-мулклар хатланган протоколга қандай имзо чекаётганлигини катта қилиб кўрсатиш албатта зарур бўлган ва ана шу сурат «Огонёк»да тезда пайдо бўлган. Кишилар ножўя, ман этилган усулни қўллашдан уялсалар бўларди. Мен жуда оддий иборани айтаяпман.

А. К. Шунга қарамай, сиз Галина Леонидовна Брежневани қандай инсон деб ўйлайсиз?

Ю. Ч. Феъл-атвори бўйича жуда юмшоқ, сахий инсон. Мана шу юмшоқлик, саховат, одамларга бўлган ҳурмат билан муносабатни Галина Леонидовна Леонид Ильичдан олган. У ўта пардоз-андозга берилмаган. Агар қизи отаси ва онасининг дала ҳовлисига борганда қандайдир серҳашам кийинса, улардан фақат даккигина эшитмай, балки танбеҳ ҳам оларди. Феъл-атвори бўйича ғоят дилкаш, одамларнинг илтимосларига тез жавоб қайтарарди. Афтидан мана шу унинг ёмон хусусияти бўлса керак. Оддий илтимос замирида қандайдир жирканчлик яшириниб ётганлигини ҳамиша ҳам фаҳмламасди. Умуман кўпчилик ана шу илтимослар орқасида наф кўришга уриниб кўрардилар. Кимнидир хизмат юзасидан кўтарилиши қизиқтирар ёки яна нимадир. Галина Леонидовна эса рад эта олмасди ва ёрдам беришга ҳаракат қиларди. 1982 йилнинг ноябригача кўпгина дўстларимиз бўлган, уларнинг қарийб ҳар бирига нимадир зарур эди, Леонид Ильич вафот этганидан кейин эса ўша дўстлар бир варакайига юз ўгирдилар.

А. К. Наҳотки ёнингизда бирон бир киши қолмади?

Ю. Ч. Нима наф, улар ҳозир ҳам яшириниб юришибди. Қаёққа қараб бурилишни кутишмоқда.

А. К. Бриллиантлар-чи?

Ю. Ч. Гоголь қаердадир «латифачилар» сўзини ишлатганди. Мен, афтидан, Гоголдай эмас, бошқа сўз ишлатишимга тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси бўҳтон, у қаердан келаётганини айтиш қийин. Албатта, ҳар бир аёл севадиган қимматбаҳо безаклар рафиқамда бўлган. Лекин ахир уни ота-онаси совға қилган. Иккинчи томондан, мен барча пулларимни уйга олиб келганман. Гап нима тўғрисида бораётганлигини фаҳмладингизми? Маошимдан ўзимга фирқа бадалини тўлашга, ошхонада овқатланишга, сигаретагагина олиб қолиб, қолган пулларни конвертда рафиқамга олиб келганман. Бизда ана шундай анъана бўлган. Мен уларни холодильникнинг устига қўярдим. У пулларимни сарфлашни тақсимларди, бунга ўзининг 250 сўмини, ота-онасининг ёрдамини ҳам қўшарди, албатта. Буни ҳеч маҳал ҳисобдан чиқариб ташламаслик керак. Аёлга ўтиришадиган яхши тақинчоқларга нима учун эга бўлмаслик керак? — деган савол туғилади. Бироқ ўша барча бурчакларда гап-сўз бораётган бриллиантлар бўлган эмас...

А. К. Хонадонингиз ҳамиша дўстлар учун очиқ бўлганми ёки бундай учрашувлар ҳар ҳолда оз бўлганми? Сиз ким билан мулоқотда бўлардингиз? Кимникига меҳмонга бораардингиз?

Ю. Ч. Сиз биласизми, биз хонадонимиз эшигини ёпиб яшамаганмиз, меҳмонларни қабул қилишни ҳам суиистеъмол этмаганмиз. Ўзимиз ҳам меҳмондорчиликка бориб турардик. Асосан булар хизмат бўйича менинг ўртоқларим, рафиқам томонидан бўлган танишлар. Бошқа табақадаги кишилар — булар комсомол ташкилотларида ишлаган пайтимдаги москваликлар. Лекин уларнинг ҳаммаси 10 ноябрдан кейин биздан юз ўгиришди. Ёрқин, садоқатли кишилар деярлик қолмади.

А. К. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Одамларда нималар содир бўлаяпти?

Ю. Ч. Улар билан нималар содир бўлаётганини жин урсин, қаердан биласан... Биласизми, бу ўринда қандайдир ўзига хос формула ҳаракат қилаяпти: киши амалда бўлган пайтида, агар истасангиз ҳокимият тепасида турганда, у дўстлари камлигидан нолимайди. Лекин бироз пасайдингизми, ундан ҳамма бир варакайига юз ўгиради. Кечирасиз-у, гўё моховъ одамдай.

А. К. Мана ўзингиз ҳам ҳис қилибсиз, дўстларингизнинг манфаатлари фақат генерал, Бош котиб қариндоши сифатида қизиқтирганми? Ёки бу сиз учун зарба бўлганми?

Ю. Ч. Ҳаммаси ўзини олиб қочганда зарба бўлган, бутун ҳаётинг бўйича булар қандай дўстлар экан. Ҳаммасига майда-чуйда бўлса ҳам нимадир зарур бўлган...

А. К. Сиз ёрдам берганмисиз?

Ю. Ч. Шубҳасиз. Кимгадир агар, албатта, илтимоси реал ва бажарилиб бўлинадиган бўлса ёрдам берганман. Мен одатда ўзимни ана шу одам ўрнига қўярдим ва ўйлардим: у менга панд бериб қўймайдими? Кейин шу билан ўзим илтимос қилувчи бўлиб уялиб қолмайманми? Агар кишилар қандайдир тўғри келмайдиган илтимос билан келишса, мен уларни остонага қўймаганман... ҳайдаб юборганман. Кўзига тик қараб: сенинг мана бу ва мана буларинг учун ёрдам бермайман, деб айтардим. Улар хафа бўлишармиди? Ҳа. Шубҳасиз, хафа бўлишарди. Навбатдаги илтимосларни ичларига ютиб, қораларини кўрсатишмасди.

А. К. Ҳозир рафиқангиз қандайдир цирк ишларида қўли борлиги яна ўша бриллиантлар, Катта театрдаги лўли ҳақида очиқ ёзишаяпти. Ва ҳоказолар ва ҳоказолар. Бизнинг мусоҳабамиз кўнгиллилик характерига эга, албатта, лекин мен сиз билан гаплашишимни айни истасангиз ана шундай саволлардан ҳам қочмаслик керак.

Ю. Ч. Тушунаман. Андрей Викторович, сизга бир нарсани айтишим мумкин: бу ўринда кўп нарса ўз ўрнида эмас. Мен мана шундай лавозимни эгаллаб туриб ва ахборотлардан хабардор бўлиб, барчасидан, албатта, воқиф эдим. Ўз шаъним ва рафиқамнинг шаънини ҳимоя қилиш учун чора-тадбирлар кўрганлигим шубҳасиз. Яна бир бор такрорлайман: мендан ҳеч бир нарса яшириниб қолган эмас. ИИВ — жиддий ташкилот, «Москва тортқичи» деб аталмиш барометр ҳамиша назоратда бўлган. Иккинчи томондан, Галина Леонидовна оддий кишининг қизи бўлмаганлигини ҳам тушунинг. У ўз ўрнида хизмат вазифасини бажарарди. Эҳтимол, отасини ғазаблантиришни ёки асабини бузишни исташмаган. Мен шу фикрга бораман. Гап жиноий жазоланадиган ҳатти-ҳаракат тўғрисида борганда, у қандайдир шаклда хабар топган бўларди. Эҳтимол, нимадир бўлгандир, албатта. Лекин ўта жиддий бўлган деб айта олмайман.

(Давоми бор).

Ғулом ҒАФУРОВ

БОЛА — ЭНГ ПОРЛОҚ ҚУЁШ

1

Донишмандлар ёшликда берилган таълимни тошга ўйилган нақшга, тарбияни эса ўрма қамчига қиёслаганлар. Зеро, тошга ўйилган нақшни сел ва шамоллар, қор ва бўронлар ўчириб юборолмаганидек, ўрма қамчи ҳам кажрафтор ғаддорликлари, замонлар майллари аро «кўпкари»да от сурадиган чавандозга умр бўйи хизмат қилади. Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг бу хусусдаги ўгити бундай:

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилик чоғи харж қилгил ани.

Инқилобдан кейин ота-боболаримиздан қолган тарихий-маданий мерос, минг йиллар давомида таркиб топган таълим-тарбия амаллари, анъаналар, одоб-ахлоқ қоидалари «эскилик сарқити» деб эълон қилинди. Миллий мактаб, халқ тарихи, қаҳрамонлари хусусида сўз очган кишилар «миллатчи», «пантуркист» деган таъна-тамғалар остида қатағон қилинди... Фарзандларимиз таълим-тарбиясига славян халқлари тарихи ва миллий-руҳий қиёфаси кўр-кўрона асос қилиб олинди. Шу тариқа Европага сиғиниш ва тақлидчилик бошланди. Етмиш уч йилдирки, таълим-тарбия амалларимизда ўзгаларга сиғиниш ва тақлидчилик!

Ўтган йиллардаги маориф ва маданий жабҳалардаги қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликлар билимлар орқали эришиладиган маданий савияни инқирозга йўлиқтирди, савия инқирози эса қадриятларни кемирди. Ҳозир суднинг қора курсисида ўтирганларнинг аксарияти ёшлардир, улар маорифимиз ва маданиятимизнинг қўтир яраларидир! Мактаб, клуб ва кутубхоналарнинг моддий ночорлиги, бу ночор одамлар деганидир! Аҳоли жон бошига мамлакат бўйича маданий эҳтиёжлар учун 25 сўм, Болтиқбўйи жумҳуриятларида 27 сўм, Украина, Белоруссия, Кавказорти жумҳуриятларида 20-25 сўм сарфланаётгани ҳолда Ўрта Осиё жумҳуриятларида 5 сўм, Ўзбекистонда эса 3 сўм сарфланаётганининг сабаби нима? Уч сўмлик маданий савия билан ёшларга Виждон, Адолат, Яхшилик, Ҳалоллик, Меҳр-шафқат, Эътиқод, Эзгулик, Гўзаллик каби қадриятларни юқтириб бўладими? Уч сўм харжлик савия билан қалбда ифтихор туйғуларини жунбушга келтириб бўладими?..

Марказий телевидениенинг қайси йилдаги кўрсатувида ўзбек халқи болалари савдогарчилик билан шуғулланади, уларда пул топишга интилиш кучли, бу миллий фожиа деб, шаҳарда юзта бола ота-онасига ёрдам берганини бутун мамлакатга овоза қилинган эди. Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоизи қишлоқда, болаларнинг эса 90 фоизи қишлоқда яшаётгани, улар зиммасига қулларча оғир меҳнат юклатилганини на маҳаллий матбуот, на марказий матбуот холисона ёритди?! Мактаб ва унинг мулки бўлган болаларни шундай шароитда «Юксак идеаллар руҳида» тарбиялаб келмоқдамиз...

Мактаб мулки — болаларга эътиборсизлигимиз — келажакка эътиборсизлигимиз бўлди. Ўтган йилларда мактаб ва болалар нафақат маънавий жиҳатдан, балки моддий жиҳатдан ҳам майиб қилинди, ночорликка дуч келинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «Келажагимиз — мактабда» деган Мурожаатидаги ушбу сўзларни ўқиб эзилиб кетасан, киши: «Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар саккиз мактабдан биттаси авария ҳолатида эканлиги, мактабларнинг 70 фоизида болалар икки, ҳатто уч сменада ўқиётганини кўриб виждонимиз ўртанмай, изтироб чекмай бўладими? Парталар, шунингдек, мактабга тааллуқли бошқа буюмлар, таълимнинг замонавий техника воситалари ҳанузгача етишмайди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўқувчилар замонавий дарсликларсиз ўқиб келишмоқда. Ёшларга тарбия беришда аксарият ўқитувчилар ва тарбиячилар эътиборсизликка йўл қўймоқдалар. Натижада бу ҳол, айниқса, қишлоқ мактабларида оғир вазиятни вужудга келтирди...»

Ўтган йилларда мактаб ислоҳоти ҳақида кўплаб қарорлар, фармонлар чиқди. Шундан иккитасини эслайлик: 60-йиллар бошида мактаблар ўн бир йилликка айлантирилди ва «политехника таълими» атамаси оммалашди. Бу тажриба уч йил давом этди. Мен ўн бир йиллик мактабни битирганман. «Механизатор» деган иккинчи ихтисос олганмиз, лекин трактор ёнига йўламаганмиз. Колхозда йўқ трактор мактабга тегармиди, ўшанда. Ўн биринчи синфда фақат «Механизация асослари», «Чорвачилик асослари» деган фанларни ўқиганмиз. Эсизгина бир йил?! Мантиқсизликка қарангки, мамлакат чорвасига ёппасига қирғин эълон қилингану, мактабларда болаларга «Чорвачилик асослари» ўқитишган! 80 йилларнинг бошларида мактабда яна «ислоҳот»лар бошланди — сон-саноқсиз қарорлар, фармонлар чиқди. Ўқитувчиларнинг маошига 10 сўм қўшилганини айтмасак, ҳеч нарса ўзгармади — «эски ҳаммомда эски тослар» қолаверди!

Ўтган йил «Биринчи қўнғироқ» куни 4-синфда ўқийдиган қизим энди 5-синфда ўқирканмиз, деб суюниб эшикдан кириб келди. Мактабга бориб бу «сакраш»нинг сабабини суриштирсам, «ислоҳот»ни амалга ошириш учун шундай кўрсатма берилган, дейишди. Бу «сакраш» нинг сабабини ҳамон тушунолмайман. На матбуотда тушунтириш олиб борилди, на халқ билан маслаҳатлашилди. Ўзбошимчалик билан халқдан яширинча синфлар бир йил олдинга суриб қўйилди. Энди қаранг, дарсликлар, қўлланмалар, ҳужжатлар бир йил кейин, фақат болалар синфлари олдинда! Билим, савия орқадаю шакл, савлат, режа олдинда?! Бу шаклбозлик, режабозликнинг боиси нима? Навбатдаги «тажриба»дан мақсад нима? Ахир, аввал болаларга махсус дарсликлар яратиб, шу асосда ислоҳотни биринчи синфдан бошласак бўлмайдими? Ростини айтганда, бундай шошма-шошарликлардан халқнинг жони бўғзига келиб қолган. Қаёққа шошилаяпмиз? Хуллас, таълим-тарбияда яна бир мантиқсизлик содир бўлди!..

Инқилобдан кейин қўлланган таълим-тарбия амалларининг (умумий мажбурий таълимнинг) зиёни шу бўлдики, иқтидорсиз одамларни ямлаб ташлади, яъни академик бўладиган бола сувоқчи бўладиган бола ёнида ўн йил ўтиришга мажбур қилинди. Мажбурлик эса иқтидорли бола истеъдод шамини сўндирмоқда! Хўш, нима қилиш керак?! Менга қолса, «ислоҳотни» мактабларнинг моддий аҳволини, муаллимларнинг дарс сифатини яхшилашдан, дарсликларни миллийлаштиришдан, дарс жараёнини тоифали уюштиришдан бошлар эдим. «Дарс жараёнини тоифали»лигини олайлик: аввало мактабларда турли ички қатламлар — «Истеъдодлар», «Аълочилар», «Ўрта ҳоллар», «Ярօқсизлар» гуруҳларини ташкил қилиш мумкин.

Ўтган йили Тошкент вилоятининг

2

Калинин ноҳиясидаги 33-ўрта мактабда, X, XI синф ўқувчилари физика, кимё-тиббиёт, тарих-жуғрофия фанлари бўйича махсус синфларга бўлиниб, ўқитила бошланди. Менга қолса, бу тажрибани бутун жумҳуриятимиз мактабларига жорий этиш, айни маҳалда «билим даражасига қараб гуруҳлаштириш»ни бошланғич синфлардан бошлаш лозим. Бизда ўқувчилар синф хоналарда мажбуран ўтириши ва уларнинг муайян фанлар ўқитувчиларидан чала-чулпа дарс тинглаши қоидага айланган. Менимча, бунинг тескариси бўлиши керак: адабиёт ўқитувчиси «Адабиёт хонасида», математика ўқитувчиси «Математика хонасида», табиёт ўқитувчиси «Табиёт хонасида», жуғрофия ўқитувчиси «Жуғрофия хонасида» эркин ўтириши керак. Ўқувчилар ўқитувчи ҳузурига ўз эҳтиёжлари ва ихтиёрлари билан келишлари ва сабоқ олишлари қоида қилиб қўйилиши керак. Ҳозир умумий таълимдаги мажбурийлик қоидаси ихтиёрийлик қоидаси билан ўрин алмашиниши лозим. Шундай қилинса, дарс ўтиш сифати ҳам, ўқитувчи савияси ҳам, истеъдодлар ўсиб улғайиши учун ҳам имкон-шароит яратилади.

Устанинг ўзи уста эмас, балки унинг асбоби уста, дейди доно халқимиз. Демак, муаллимлар ва толибларга мукаммал дарсликлар яратиш муаммоси кўндаланг бўлади. Айни маҳалда муаллимларнинг яхши ўқитиши, илми-толибларнинг аъло билим олиши ва қобилиятини чархлаши учун мос шароит ва муҳит зарур. Ростини айтганда, бизда дарсликлар ҳам, шароит ва муҳит ҳам «эскириб» кетган. Мактаблар нурай-нурай деб турибди. Дарсликлар эса 30-йилларда «Янги замон одамларига таълим-тарбия бериш» мақсадида ўйлаб топилган янгича ярօқсиз амаллар ва Макаренко, Крупская...нинг уйдирма ўгитлари билан тўлиб-тошган.

Тақлидчилик ва таржимачилик олимларимиз ва ноширларимизнинг кун кўриш манбаига айланиб қолган. Кейинги йилларда «Ўқитувчи» нашриёти ўзбек миллий-руҳий қиёфаси акс этган, минг йиллик таълим-тарбиямизга оид асарларни нашр этгани йўқ. Миллий мўлжалланган дарсликлар, қўлланмалар, дастурлар яратиш ўлда-жўлда! Айтишларича, жумҳуриятимизда 30 минг муаллим бор. «Ўқитувчи» нашриёти чоп этаётган қўлланмалар тиражи эса 5-10 мингдан ошмайди. Нашриётда ҳаражатларни қоплаш учун Европа адабиёти классикларининг рус тилидаги асарларини миллион нусхада чоп қилинаяптию, қоғоз йўқ баҳонасида ўзбек болаларининг билимини оширишга мўлжалланган қўлланмалар нашри чеклаб қўйилган. Шарқона одоб-аҳлоқ қоидаларига оид бирор қўлланма йўқлигидан шу соҳа олимларининг виждони қийналмаётганига ҳайронман! «Ўзбекистон халқлари тарихи» дарслигини яратиш устида тўрт-беш йилдан бери оғиз кўпиртирамиз. Йиллар ўтиб бормоқда. Қўлланмадан дарак йўқ! Бунинг устига Ўзбекистон тарихи, жуғрофияси дарсларини кўпайтиришга қарши кайфиятдаги одамлар ҳам йўқ эмас. Масалан, педагогика фанлари номзоди Паёз Мусаев «Мактаб — миллатнинг истиқболи» («Фан ва турмуш», 3-сон, 1990 й.) мақоласида ажойиб маълумотлар келтириш билан бирга, қуйидаги ўта мунозарали гап-сўзларни ёзади: «Афсуски, айрим мутахассислар масалага бир ёқлама ва юзаки ёндошиб, турли даражадаги йиғилишларда, шунингдек, матбуотда ҳам мактабда Ўзбекистон географиясини ўрганишга 102 соат (программа 12 соат), тарихга эса барча тарих курсларига берилган вақтнинг камида 70 фоизини (программада 50 соат берилган) ажратиш зарур демоқдалар. Хўш, шунча вақтни қаердан оламиз. Программа талаб этган, иттифоқ миқёсида бир хил талабда ўрганиладиган материални қисқартиришни таклиф қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Ўқув режасига ташқаридан қўшимча соат талаб этиш ўқувчиларнинг дарс соатлари кўплигидан зўриқишини янада кучайтиради, холос. Олий ўқув юртларининг тарих ёки география куллиётларида ҳам жумҳуриятимиз георафияси ёки тарихи шунча соат ўқитилмайди. Қолаверса, фақат жумҳурият георафияси ва тарихини билсагина ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш мумкин, деб ўйлаш тўғри эмас».

Бу фикрларга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Агар масалага шундай ёндошсак, миллий мактаб, болалар келажагимиз, миллий руҳий қиёфа, ўз-ўзини англаш, ўз Ватани тарихи ва жуғрофиясини ўрганиш ҳақидаги сайъйи-ҳаракатларимиз қуруқ сафсатабозликдан иборат бўлиб қолмайдими! Ҳамма гап — ҳозиргача ўқитилиб келинаётган ўзга халқлар тарихига ажратилган соатларини қисқартириш ўрнига миллий халқ тарихини ўрганиш устида бормоғи керак эмасми?!

Бундан кейин математика, физика, кимё фанларини ўқитишда ҳам миллий-руҳий қиёфадан келиб чиқишимиз керак. Техника, социология, иқтисодиёт, тиббиёт фанларининг замонавий ютуқларидан болаларимизни бохабар қилиш йўллари устида ўйлашимиз, табиий фанлар бўйича бир неча маърифий йўналишдаги жарида ва рўзномалар нашрини йўлга қўйишимиз керак бўлади. Ҳозир мактабларни битириб чиқаётган болаларимизнинг баъзилари касрлар устидаги тўрт амални билмайдилар. Бутун дунё Ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбек каби ўнлаб риёзиётчиларнинг китобларини она тилларида ўқиб турган, руҳий озиқланаётган бир маҳалда бизнинг болаларимиз ўз ватандошлари — бобокалонлари китоблари нари турсин, уларнинг номларини ҳам, қайси асрда яшаб, ижод этганини ҳам билмайдилар! Е, алҳазар!..

Мактабларимиз пештоқларида, даҳлизларида, хоналарда «Болалар», ўзингиздан катта ва кичикларга биринчи бўлиб «Ассалому алайкум, денглар!» деган ёзувни ҳозиргача ҳеч ким ўқигани йўқ! Мактаб битикларида миллийлик унутилган. Шарқ алломаларининг ибратли ўгитларига ўрин йўқ! Қайси мактабга кирсангиз, Маяковский, Ушинский, Макаренко, Крупская, Калинин сўзларини, «коммунизм»га чорловчи ёлғон шиорлар, чақириқларни ўқийсиз! Булар ўрнида Яссавий, Навоий, Машраб, Фурқат, Авлоний... сингари алломалар, «Қобуснома» пандномалари болаларимиз одоб-ахлоқига кучлироқ таъсир кўрсатмайдими?!...

Мактабларимизда беҳаёлик, беандишалик томир ёйган, «эркин севги» саргузаштлари норасидалар қалбини заҳарламоқда! Беҳаёлик юқумли касаллик пашшаларига ўхшаб тез кўпаймоқда. Бугунги кунга келиб ўсмирлар фахш фильмлар, видеолар «касаллигига» чалинди. Телевидение ўз домига тортган. Бунинг устига кино экранларида «Кичкина Вера», «Интер қиз», «Менинг исмим Арлекино», «Кунларнинг бирида Америкада» фильмлар намойиши авжга чиқди. Ўсмирлар сурув-сурув бўлиб бу киноларни икки-уч мартадан ўғринча томоша қилмоқдалар. Бу фильмлар шарқона руҳдаги тарбия амалларига ётдир! Улар фоҳишабозлик авж олган замонамизда болаларимизни янада бузуқлик ботқоғига етакловчи бежирим қопқонлардир! Улар муқаддас туйғуларимизни ҳақоратловчи, таҳқирловчи оғулардир!..

3

Болаларимизнинг чуқур билим ололмаётганига камбағаллигимиз ҳам бош сабабдир! Ҳозир жумҳуриятимизда 10 миллион оила ночор кун кечирмоқда. Иқтисодий ночор оилаларда моддий ва маънавий ночор фарзандлар вояга етмоқда. Иқтисодий ночорлик билимли бўлишнинг, одамдек ўйнаб-кулишнинг кушандасидир! Биз эса камбағалликни етмиш уч йил тарғиб ва ташвиқ қилдик!

...Дорилфунунда бир файласуф муаллимимиз ушбу сўзни кўп такрорлади: «Сизлар Маркснинг устози Гегелнинг бу башоратидан бехабарсизлар! Гегель айтадики, вайроналарда туғилган ва тарбия кўрган болалар вайроналарча фикрлайдилар ва яшайдилар! Кошоналарда туғилган ва тарбия кўрган болалар кошоналарча фикрлайдилар ва яшайдилар!» Шарқда яна шундай нақл бор: «Кўлмакда яшаган итбалиқ кўлмакда сузади ва ундан бош чиқаролмайди. Аждаҳолар уммонда сузиш қурбига эга!».. Бу нақлларнинг маъносини энди тушуниб қолдик. Биз ҳозиргача болаларга вайроналарда таълим-тарбия бердик! Шу боисдан улар кўлмакдаги итбалиқлар ҳолига тушиб қолди. Кўлмакдан чиқишнинг ягона йўли Илм олишдир! Маърифатли, комил инсон бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш, табиий туғма қобилият ва истеъдодни камол топтиришнинг ягона йўли ҳам Илм олишдир! Билимлар — эътиқод мустақиллиги ва мустаҳкамлиги, қадр-қиммат, меҳр-шафқат, тўкин дастурхон, жамият гуллаб-яшнаши учун ягона олтин калитдир. Аждодлар мерос қолдирган Билимларни чуқур ўзлаштириш — кажрафтор нарвони зинапояларидан истиқболга қадам ташлашдир!...

Фарзандга таълим ва тарбия бериш бани Одамга мерос қолган улуғ анъаналардандир. Бизда болалар таълим-тарбияси билан оила, мактаб ва жамоат ташкилотлари шуғулланади. Бу жабҳадаги муаммоларнинг сон-саноғи йўқ! Мактабнинг моддий ва маънавий ночорлиги, жамоат ташкилотларининг тутуруқсиз иш тартиби, оилалардаги иқтисодий тақчилликлар туфайли келиб чиқаётган турли машмашалар... Хўш, болалар таълим-тарбиясида қадриятларнинг ўрни қандай?

Халқ педагогикаси анъаналарига кўра, қадимда меҳнат кўникмаси оила зиммасида бўлган. Ота-оналар фарзандларининг қобилиятини, истеъдодини юзага чиқаришган, уларни ўзлари шуғулланган касб-ҳунарнинг етук билимдони қилиб тарбиялашга эришганлар. Шу тариқа косиблар, ҳунармандлар, нонвойлар, дурадгорлар, ошпазлар, сартарошлар... каби юзлаб касб сулолалари етишиб чиққан. Оила — ҳунар мактаби, ота-оналар мураббийлар бўлган... Биз эса ҳунар ўргатишни мактаб зиммасига ташлаб қўйганмиз. Чунки, ўзимиз яхши ҳунарли эмасмиз, вақтимиз тиғиз. Менимча, мактабдаги меҳнат дарсларининг ҳаммасини инкор этмоқ, меҳнат кўникмасини оила ва жамоат ташкилотлари зиммасига юкламоқ, мактабда болаларга фақат маънавий йўналишдаги сабоқни кучайтириш лозим. Ана шу сифатга эришилгандагина уюшган жиноятчиликнинг илдизларига болта урган бўламиз. АҚШда бир соат ишлаган ўсмирга 6 доллар ҳақ тўлашар экан! Бизда-чи? Аввало ўсмирнинг ишлаши учун жой, шароит йўқ. Қолаверса, дарсларни чала-чулпа ўтиб, пахта далаларида ишлаётган ўқувчи ва талабаларга тўланадиган пул қалам-дафтарга ҳам етмайди. Бизда эса болалар меҳнати қадрланиши, 10—17 ёшли болалар меҳнат қилиши учун микрокорхоналар... ташкил этилиши керак...

Қоғоз тақчиллигидан даҳшатга тушасан, одам. Аммо болалар қоғоз тўплаб боришса, килосига 2 тийин тўлашади. Мактабда эса бепул қоғоз йиғишга мажбурлашади. Темир-терсак қабул қиладиган пунктлар ҳам йўқ. Зил-замбил темирларни мактабга бепул топширамиз! Хўш, уларнинг нархи 50 тийин қилиб қўйилса қандай бўларкин! Пластмасса идишлар нархини 1 сўм қилиб белгилашса-чи! Агар шундай қилишса, жумҳуриятимизда бир кунда ҳосил бўладиган қоғоз, темир, пластмасса хирмонларини пайдо бўлишини, тасаввур қила оласизми! Қотган нонларнинг килосини 50 тийиндан қабул қилишса-чи! Менимча, ахлатхоналар бунчалик нонга тўлиб кетмасди, балки Нон қадри бир қадар ошган бўларди!

Болаларни ёшлигидан меҳнатга ўргатиш дегани, уларга «Пахтачилик асослари»ни ўқитиш дегани эмас, балки меҳнатни уларнинг қалб эҳтиёжига айлантириш, яъни болаларга ҳалол меҳнат қадри ҳақида билим бериш демакдир. Ҳаром-ҳаришдан кун кечирувчи, ўзига тўқ оила фарзандлари қалбида текинхўрлик, истеъмолчилик, ман-манлик майллари куртак отиб қолган. Айни пайтда бу ноинсоний майллар ҳалоллик, ҳалол меҳнат қадрини кемирмоқда. Хўш, бу номатлуб иллатларнинг замини борми? Бор! Ҳеч ҳайиқмасдан айтиш мумкинки, бу меҳнат тарбияси борасида қўлланаётган нотўғри усуллардир!..

Болаларнинг ахлоқсиз, жиноят кўчаси яқинидан юрадиган бўлиб қолганларидан ғоят ташвишдамиз! Болалар жиноятчилигини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди: биров ҳамма айб оилада деса, биров мактабни, бошқаси милицияни, жамоат ташкилотларини «ўққа» тутади. Аслида ким айбдор? Менимча, таълим ва тарбия усулларимиз айбдор! Аввало болани 11 йил умумий таълимга жалб қилишнинг ҳожати йўқ. Умумий таълимни 8 йил ҳажмида белгилаш, болаларга одоб-ахлоқ, адабиёт ва санъат, тарих ва жуғрофия фанларини чуқур ўргатиш, математика, физика, химия ва табиат фанлари бўйича умумий маълумотлар бериш билан кифояланиш керак, деб ўйлайман. Фан-техника инқилобига қарши чиқаётибсиз, деган таъналарни эшитишга тайёрман. Фан-техника Инсон учун хизмат қилиши керак. Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда Инсонни тарбиялашга алоҳида ғамхўрлик қилинади. Масалан, Японияда энг кўп маблағ халқ маорифига ажратилади. Бизда эса энг кам маблағ маорифга, энг кўпи мудофаага сарфланади...

Агар биз 8 йил давомида Одамни тарбиялай олсак, яъни унинг қалбига Виждон, Эътиқод, Адолат, Яхшилик, Ҳалоллик, Саҳийлик, Меҳр-муҳаббат, Раҳм-шафқат, Ишонч, Бурч, Эзгулик, Гўзаллик каби туйғуларни қўрғошиндай ўрнаштиролсак, касб-ҳунар ўргатиш қийин эмас: касб-ҳунар мактабларини 4 йил ҳажмида кенгайтириб, муайян касбга доир фанлар чуқурроқ ўзлаштирилади... Кейин 5 йил ҳажмида олий таълимга ўтилади. Таълим-тарбиядаги шошқалоқликнинг олди олиниши керак. Жамиятга роботлар эмас, Одамлар керак. Ҳамма нарса Инсон учун, унинг бахт-саодати учун, деган шиор ваъзхонликдан амалиётга ўтиши, яъни жамиятга робот эмас, Одам етиштириш керак. Бизнинг мактаблар эса «роботлар» етиштириш билан овора! Қалби тоза, эътиқоди бутун, виждонли... Одам етиштириш учун мактаб ҳар қандай чеклашлардан, сиёсий тазйиқлардан, иқтисодий тақчилликдан ҳоли, Инсон қалбига нур бўлиб кирувчи ҳур фикрлар баён қилинган дарсликлар ва қўлланмалар билан, ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ, оқни қорадан, кўкни сариқдан, кечани кундуздан фарқлашга фаҳми етадиган доно ва зукко муаллимлар билан таъминланган бўлиши керак...

4

Қатағон ва карахтлик йилларида Инсон қалбининг сарчашмалари бўлган қадриятларининг емирилишига мактаб озмунча ҳисса қўшмади. Мурғак қалбларни социализм, халқлар отаси, доҳийлар, коммунизм ҳақидаги сароб ҳақиқатлар, ширин ёлғонлар билан алдаб келдик... «Ўзбекистон умумий ўрта таълим концепцияси» лойиҳасида шундай дейилади: «Ўқув программалари, дарсликлар зарур даражада фан ютуқларини, ўзбек ва бошқа миллат маданиятини акс эттирмади». Ўзбек маданиятини акс эттирмагани рост. Лекин «бошқа миллат маданиятини акс эттирмади» деганда нимани тушуниш керак? Масалан, «тарих» фанини оладиган бўлсак, ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг болалари рус миллати тарихини ўқиб вояга етдилар. Ўзбеклар ўз халқининг тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларидан бегона бўлиб тарбияландилар. Бу бегоналик, беҳабарлик жаҳолат, эса қадриятларнинг оёқ ости қилинишига, виждонсизликка, худбинликка йўл очди. «Инсон амалий фаолиятига нафи тегмайдиган илм дилга юкдир», деган экан Мирзо Бедил...

Муаллимлик касбимга кўра, талабалардан баъзан сўрайман: Муқанна ким бўлган? Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий ҳақида нималар биласиз? Сарбадорлар тарихини биласизми? Толиблар бир-бирларига жавдираб, елка қисиб тураверишади. Ахир бу учига чиққан жаҳолат эмасми? Қолаверса, талабаларда нима айб? Уларни ўз вақтида, айниқса, мактабда ўз Ватани тарихи, халқининг ўтмиши, қаҳрамонлари, ифтихори, анъаналари ва маданияти билан ошно этмадик-ку?! Ўз ўтмишини билмаган, тарихидан бехабар кишидан тарих ҳақида сўраб бўладими? Мактабда болаларга ўз халқининг тарихини ўқитмадик, бунинг устига ўша неча минг йиллик тарихнинг бирор нурли нуқтасини айтмадик-да; ҳаммасига «қора ўтмиш» деган чизиқ тортиб юбордик. Алифбо алмашгани учун тарихда ёзилган алломалар, шоирлар китобларига ҳам тишимиз ўтмай қолди. Тарих китобларини нашр этиш эса ўлда-жўлда бўлди...

Қадриятларнинг сусайиши — маънавий қашшоқланаётганимизнинг сабабларидан бири — болаларга аталган пурмаъно китобларнинг камёблигидир. Ҳозир дўконлар, омборлар касодга учраган, сичқон кемирган китоблар билан лиқ тўла. Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади, деганларидек, гўшдор, мағзи пуч китоблар кўпайиб кетди. Замонавий ёзувчиларнинг «социалистик реализм» билан тўйинтирилган китоблари миллионлаб нусхада чоп этилгани ҳолда маънавий камолотга ҳисса қўшадиган китоблар анқонинг уруғи. Маънавий меросимиз хазинаси бўлган Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Саккокий, Навоий, Машраб, Бобур, Фурқат Муқимий... асарлари, бир неча «тузатишлар» билан кам нусхада чоп этилади. Тарихий асарларни чоп этиш ўлда-жўлда! Тарихимизга оид китобларни қўя турайлик, замонавий мавзудагиларни нашр этишда ҳам энг орқа ўриндамиз. Маълумотларга кўра, мамлакат бўйича чиқарилаётган китоблар бир болага 3 тадан, Болтиқбўйи жумҳуриятларида 7-9 тадан, Украина, Белоруссия ва Кавказорти жумҳуриятларида 5 тадан тўғри келаётган ҳолда бизда битта болага биттадан китоб тўғри келади. Болаларни маънавий озиқлантирмасдан туриб улардан қадриятлар талаб этишимиз ҳам ножоиз!

Ёзувчиларимиздан бири болаларнинг маънавий қашшоқлигини қурт тушиб зарарланган чирик олмага ўхшатган эди. Болалар қалбидан, шууридан қадриятларнинг кўтарилгани, уларнинг гўзаллик, эзгулик, яхшилик сарчашмаларидан бебаҳралиги маъмурий-буйруқбозликнинг айбидир! Ёлғон мафкуранинг айбидир! Таълим-тарбия усулларининг айбидир! Етмиш уч йил давом этган ёлғон мафкура ҳатто мурғак болага табиат ато этган табиий-руҳий қадриятлар куртагини ҳам пайҳон қилди! Шарқ донишмандлари болани кўпчиган хамирга ўхшатадилар. Кўпчиган хамирдан ширин ширмой нон тайёрлаш, ўта лоқайдлик ва фаросатсизлик билан қотирма-кўмма ҳам пишириш мумкин бўлганидек, яхши таълим-тарбия усуллари билан болани мумтоз, комил Инсон даражасига етказиш, аксинча лоқайдлик, беպарволик билан ўғри, каззоблар қаторига тушириб қўйиш мумкин.

Мамлакат артерия қон томири билан қўшилиб оқаётган уюшган жиноятчиларнинг баъзилари ўзбеклар, мамлакатни ларзага солиб турган порахўрларнинг баъзилари ўзбеклар, ҳа, мана шу ўзбекларнинг ҳам етмиш уч йил мобайнида рус миллати манфаатларини ифода этувчи илм-фан, тарих, маданият билан яқиндан ошно бўлгани ҳолда ўз бобокалонлари яратган маданий меросдан, анъаналар ва урф-одатлардан, тарихдан, борингки, ҳақиқатдан айрилиб, миллий заминдан узилиб қолганини қайси сўз билан ифодалаш мумкин!!!

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ҳолати таълим-тарбия сифати билан белгиланади. Жамиятдаги жиноятчиликнинг авж олаётгани таълим-тарбия ишидаги хатоларимиз, қалбимиздаги қўтир яраларимиздир! Ахир, барча куч-қувват жамиятнинг ёш аъзоларининг иқтидорини, майлларини болалигиданоқ шакллантириш, робот-манқуртлар эмас, Одамни вояга етказишга сарфланиши керак эмасми? Бола қалбида мурғаклигидаёқ Яхшилик, Адолат, Эътиқод, Ишонч... каби қадрият чечакларини кўкартириш, бу чечакларнинг умр бўйи сўлимаслиги учун яшнаб туриши учун курашмоқ лозим эмасми?! •



Иттифоқ бўйлаб

Николай Бурлаевни танимаган томошабин йўқ, деса бўлади. Чунки, унинг иштирокидаги фильмлар асосан мардлик ва жасоратни, мана шу ватани мадҳ этган. У «Иван болалиги» фильмида бош ролни ижро этиб, машҳур бўлганда 15-16 ёшлар да эди. Ўша фильм Венецияда олтин шер мукофотига сазовор бўлган. Ундан кейин «Замонамиз қаҳрамони», «Кичик фожиалар», «Икки дўст хизмат қилган ди», «Бола ва каптар» ва яна бир қанча.

Кейинчалик Бурлаевнинг ўзи «Ванька Каин», «Лермонтов» каби фильмларни суратга олди. Ҳозирги кунда актёр яна суратга олиш майдонида.

СУРАТДА: машҳур кино актёр, режиссёр Николай Бурлаев қизи Мария ва ўғли Иван билан.

Т. КУЗЬМИН сурати (СИТА).

Иттифоқ бўйлаб

«Қамоқ ва сургундаги ижод». РСФСР Рассомлар уюшмаси кўргазма залига қўйилган асарларнинг умумий номи шундай. Кўргазмани «Мемориал жамияти» уюштирди. Ундаги сурат ва ҳужжатлар томошабинларга тарих ҳақида маълумот беради. Бу ерга қўйилган асарлар томошабинларда ғазаб, ачиниш уйғотиши турган гап. Негаки муаллифлар ўз қаҳрамонлари энг қийин дамларда ҳам чин инсон бўлиб қолишини ифодалашган.

СУРАТДА: кўргазма залларида.

П. МАКСИМОВ сурати (СИТА суратхроникаси).



Ҳам қувончли, ҳам масъулиятли



18—26 сентябрь кунлари Тошкентда Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон жумҳуриятлари болалар ва ўсмирлар театрларининг кўрик фестивали бўлиб ўтади. Шу муносабат билан мухбиримиз Й. Охунбобоев номидаги ўзбек ёш томошабинлар театри актёр-режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, жумҳурият Ленин комсомоли мукофоти лауреати Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ билан суҳбатлашди.

— Сиз ижод қилаётган театр жамоаси бу анжуманга қандай тараддуд кўрди!

— Очиғини айтсам, бу тадбирдан умидимиз катта. Чунки кейинги йилларда бизнинг театримиз ишлари нисбатан орқага кетаяпти десам, хато бўлмас. Авваллари ота-оналар ўз фарзандларини етаклаб келишарди. Улар ҳар бир асарнинг фарзандлари тарбиясига таъсирини тўғри баҳолардилар. Ҳозир эса улар бутунлай театрдан йироқлашиб кетишди. Театр фойесида актёрларнинг суратлари қатор турарди. Ҳозир у ер бўм-бўш. Радио аппаратлари яхши ишламайди. Томошабин ўтирадиган ўриндиқларнинг учдан бир қисми яроқсиз. Аслидачи болалар келадиган театрдаги манзара диққатни тортадиган, чиройли бўлиши лозим. Ана шундай шароитда бўлсак ҳам жамоамиз кўпдан бери гап бўлиб энди амалга ошаётган биринчи регионал кўрикка пухта тараддуд кўрди. Айниқса, унда учта асаримиз намойиш қилиниши биз учун қувонарлидир.

— Ўша асарлар билан таништирсангиз!

— Мавзу жиҳатидан улар хилма-хил. Жумладан, «Сирли сандиқ» ўзбек халқ эртаклари асосида ёзилган. Унда соф миллий руҳ мужассам. «Эски Жува Гаврошлари»да эса айрим ўзбек хонадонидаги табиий ҳолатлар, моддий етишмовчиликлар, болаларнинг оила ишларига, турмуш ташвишларига кўмаклашиши бош қаҳрамонлар Ҳасан, Ҳусан орқали ифодаланади. Учинчиси «Адашганлар»да эса ҳаётда ўз йўлини тополмай боши берк кўчада сангиганлар тақдири кўрсатилади. Спектаклнинг Нуриддин Ҳамроқулов ижросидаги «Шу Ватанга бордир менинг керагим, юрт ишқида ёнар-ёнар юрагим» қўшиғи билан бошланиши ҳам бежиз эмас. Чунки қўшиқни ёзган муаллиф ногирон шоир. Бизда эса кўзи очиқ, тўрт мучали соғлом кимсалар бир марта бериладиган умрни беҳудага аянчли ҳолда ўтказишаяпти. Асарни саҳналаштириш чоғида асосан унинг тарбиявий аҳамияти кўзда тутилган. Шу боис спектакль яна ўша хонанданинг «Оламни сақланг дўстлар» қўшиғи билан якунланади. Кўрик фестивалга ҳар учала асарни тавсия этишдан мақсад барча ёшдаги томошабинларни жалб этишдир. Шунингдек, кичик ёшдан ўсмирликкача бўлган йигит-қизлар ҳаёти ўз ифодасини топади.

— Сизнингча, кўрик-фестивални ўтказишдан мақсад нимадан иборат!

— Менимча, бундай анжуманлар доимо фойдадан холи эмаслигининг кўп бора гувоҳи бўлганмиз. Театрларнинг тажриба алмашиши, ютуқларни ўртоқлашиши, камчиликларни кўрсатиб, уларни бартараф этиш йўлларини биргаликда излаш тадбирнинг асосий эзгу мақсадидир. Шахсан мен шундай деб тушунаман. Яна шуни айтишим кераки, биринчи регионал кўрик шунчаки ёш томошабинлар театрларининг фестивали тарзида ўтмасдан балки давлат миқёсидаги анжуман тарзида ўтиши лозим. Бу деган сўз давлат раҳбарлари орқалигина биз бу соҳадаги кўпдан-кўп муаммоларни ҳал этишимиз мумкин. Бўлмаса ҳар доимгидек болалар ва ёш томошабинлар театрлари ўз ёғига ўзи қовурилиб ётаверади. Фақат режадан нари ўтолмасдан қолаверади. Болалар театрларининг энг муҳим томони тарбиявий жиҳати ҳақида унутиб қўйганимизга анча бўлди. Бугунги кунда ана шуни яна қайта биринчи даражали вазифа қилиб қўйишимиз керак.

— Анжуманда намойиш этиладиган асарлардан бохабармисиз!

— Кўрикда қардош жумҳуриятларимиз ёш томошабинлар театрларининг энг яхши асарлари намойиш қилинади. Жумладан, С. Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ Давлат ёш томошабинлар театрининг «Васият» спектакли, «Ахорун» номли Душанбе давлат ёш томошабинлар экспериментал театрининг «Юсуфнинг қайтиши», Кулман Ниёзов номидаги Туркман давлат ёш томошабинлар театрининг «Баба Гамбар» каби асарлари бор. Яна шу нарсани қувонч билан айтиш мумкинки, анжуманда жумҳурият актёрлар уйи қошидаги «Тонг», Маданият вазирлиги қошидаги «Дийдор» театр студиялари ҳам «Зумрад ва Қиммат», «Хубоблар» каби асарлари билан қатнашадилар.

— Анжуманда ўзингизга таниш режиссёрларни ҳам кутаяпсизми?

— Ҳа. Айниқса, Ленинград ёш томошабинлар театрининг собиқ бош режиссёри И. Карагоцкий келишини эшитиб, севиндим. Чунки бу санъаткор болалар театрининг ўзига хос томошабинлари, сирусорорларини яхши билади. У яқинда ҳатто Амрикода асар саҳналаштириб қайтди. Бундан ташқари қардош жумҳуриятлардан келадиган таниқли танқидчилар, чет эл мутахассислари дўстона суҳбатлар чоғида бугунги кунда энг зарур бўлган муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатишади. Кўрик ҳақида кўп йиллардан буён гапириб келинарди. Ҳар ҳолда унинг иштирокчилари пухта тайёрланиб олдидан ўз режа ва фикрларини ўйлаб қўйишган. Бундай анжуманнинг биринчи бизнинг жумҳуриятимизда ўтиши ҳам барчамиз учун ҳам қувончли, ҳам масъулиятлидир. Бу ўринда жумҳуриятимиз театр арбоблари жамиятининг ташаббуслари алоҳида таъкидлашга лойиқдир.

— Шу ўринда ўз режаларингизни ўз муштарийларга айтиб берсангиз?

— Айни чоғда иккита катта ишни мўлжаллаб турибмиз. Биринчиси театримиз қошида махсус ижодий уюшма ташкил этиш. Унга ҳозирча таниқли актёр марҳум Ҳабиб Саъдийнинг номини беришни мўлжаллаб турибмиз. Иккинчи ният эса болалар театрларининг келажагини яратиш махсус студия ташкил қилиш. Унга 6—10 синф ўқувчиларидан талантлиларини саралаб оламиз. Махсус студияда улар театрнинг сабоқларини олишади ҳамда лаёқатлилари спектаклларда иштирок этади. Бош ролларни ҳам ижро этишлари мумкин. Анжуман пайтида ҳамкасблар билан ана шу режаларимизни ҳам ўртоқлашамиз. Уларнинг фойдали маслаҳатларидан баҳраманд бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, болалар ва ёш томошабинлар театрларининг биринчи минтақа кўрик-фестивали халқлар ўртасида дўстликни, қардошликни мустаҳкамлашда муҳим ҳисса бўлиши шубҳасиз.

Муқаддас СОЛИҲ қизи суҳбатлашди.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

Жавобсиз саволлар



М. Горький номли театрнинг ёш актёри Виктор Вержбицкий репертуарида бор-йўғи иккита «замонавий» роль бор, у ҳам бўлса А. Галиннинг «Тонгги осмондаги юлдузлар»идаги Александр ва «Илҳом» театр-студиясида саҳналаштирилган Л. Разумовскаянинг (ҳозир репертуардан олиб ташланган) «Азиз Елена Сергеевна»сидаги Володя ролларидир. Шунга қарамай, назаримда, шу актер ва унинг қаҳрамонлари бугунги томошабин руҳига ҳамоҳангдирлар. Улар олижаноб ва мард-қаҳрамонларга ўхшамайдилар, улар азоб чекишади, шубҳаланишади, чунки биз яшаётган нотинч, янгидан-янги муаммоларни ўртага ташлаётган даврда яшайдилар...

М. Шатров пьесаси асосидаги В. Гвоздковнинг «Олға... олға...» спектакли В. И. Лениннинг қадрдон дўсти, у билан «сен»лаб гаплашадиган кишилардан бири Юлий Мартов ўз сафдошининг ҳузурига дардлашгани, балки уни огоҳлантиргани келади. Энди эса уларнинг манфаатлари бир-бирига зид. Мартов ролини Вержбицкий ижро этади. У оғир хасталикка дучор бўлган пайт.., у безовта, чунки Ильичнинг у билан гаплашишга вақти йўқ. Лекин Мартов қатъий, чунки гап энг муҳим масала ҳақида боради. Фирқа бўйича сафдош дўстлар хавф остида, қолоқ, маданиятсиз халқни фақат калтак остида бўйсундириш мумкин. Мартов террорнинг вақтинча бўлган тадбирдан доимийга айланиб қолишидан хавотир... Ориқ, тинимсиз йўталаётган Мартов-Вержбицкий ҳаяжонланиб, бетоқат сўзлайди. Ленин-Цветков эса шиддат билан, ўзининг ҳақлигини қатъий ишонч билан таъкидлайди. У собиқ дўстига тегажоқлик қилади, лекин унга ҳам осон эмас, чунки бир неча дақиқадан сўнг унинг ўрнини Сталин эгаллайди. Унинг амри билан ўлимга хорижга юбориладиган Лениннинг дўсти, Мартов, алам билан, оҳиста: «Жазава васвасаси сени ҳам холи қўймабди...» — дейди.

Узундан узоқ спектаклдаги Мартов билан Ленин саҳнаси бир неча дақиқадан иборат, лекин жуда салмоқли ва муҳим: биз қаҳрамонлар билан бирга, бўлғуси воқеаларни ҳисобга олган ҳолда, ечимлар тўғрими ёки нотўғри, ким ҳақ, ким ноҳақ бўлгани ҳақида мулоҳаза қилиш имкониятига эга бўламиз.

* * *

Горький номли театрда В. Вержбицкийнинг омади юришди. Роллар исталгандан камроқ бўлсада, ҳар ҳолда салмоқли ва жиддий, унинг устига турли бўлди. Дастлаб Б. Окуджаванинг «Бир қултум озодлиги»дан (А. Кузин саҳналаштирган) ночор Авросимов, чинакам фожиали воқеаларнинг аввалига шоҳиди, кейинчалик бевосита қатнашчиси бўлмиш ўртамиёна котиб роли. Сўнг А. Галиннинг пьесасидаги телба физик Александр роли; Чеховнинг «Чайка»сидаги Треплев роли... Актёрнинг охирги ролларидан бири А. Камюнинг «Калигула»сидаги шоир Сципион роли (А. Кузин постановкаси) энг қизиқарли ролларидан биридир. Лекин актёр ўз театрида, негадир, тинчгина ўз ролларини ўйнаб, навбатдагиларини кутиб ўтиравермади. У ниманидир изларди. Балки шунинг учундир, кунлардан бир кун «Илҳом» остонасига қадам қўйди...

* * *

Л. Разумовскаянинг «Азиз Елена Сергеевна»сидаги Володя роли (реж. Салихов, саҳналаштириш раҳбари М. Вайль) Вержбицкийнинг бошқа роллари билан бир қарашда уйғунлашмайди. Ўзининг машаққатли мавзусидан чекиниш мағлубиятдан дарак бўлиши керак эди. Лекин актёрнинг Володя ролига таклиф этилиши бежиз эмасди. Режиссёрнинг айнан шу таклифи спектакль тақдирини ҳал этишда муҳим роль ўйнади. Кейинчалик кўплаб «Елена Сергеевна»лар бўлди, — кино — ва театр вариантлари ҳам. Яхшироқлари бўлди, ёмонроқлари бўлди. Лекин «Илҳом»даги спектаклнинг «бир нимасидир» бошқачароқ эди. Бунда Вержбицкийнинг (унинг ҳамроҳларининг ҳам, албатта) ҳиссаси кам эмас. Унинг Володяси, бошқалардан фарқли ўлароқ ғирт мараз, разил эмас эди. Чунончи ўқитувчининг ҳузурига калит учун боришнинг асосий илҳомчиси бўлиб, чекинишга тайёр синфдошларини гиж-гижлатувчи айнан Володя бўлса-да, унинг кўзларида нафақат ғолиб чиқиш истаги учқунлари ёнарди.

Бу спектакль репертуардан олинган, лекин томошабинлар уни ҳали кўп эслашади, деб ўйлайман. Актёр Вержбицкий эса яна безовта. Уни Н. Абдураҳмоновнинг «Дард» студиясига нима бошлаб келди? Ҳар ҳолда пул топиш дарди эмас, чунки студия актёрлари қуруқ ташаббусдан илҳомланадилар. Қизиқарли роллар ижро этиш истагими? Балки шундайдир. Балки томошабинлар кўзларини яқиндан кўриш ва улар билан биргаликда янгидан-янги саволлар, муаммолар ечимини излаш истагидир?

Саволлар ечимсиз, биз билан. Ҳеч қандай театр уларга жавоб бера олмайди. Жавобларни ўзимиз излашимиз керак. Ҳар доим, ҳар ерда, яна ва яна. Ўзлигимизни ўзимизга кўзгуда яхшироқ, ёмонроқ, қизиқарли кўрсатган театрга, актёрга ташаккур.

Собира ҒУЛОМОВА.
талаба.



Скаутлар деган сўзнинг асл ўзбекча таржимаси йўқ. Бу ҳарбий-сиёсий тусдаги болалар ташкилотининг аъзоси дегани. Бундай ташкилот Латвияда анчадан бери фаолият кўрсатиб келади. Лекин кейинги йилларда бу уюшманинг ҳаракати тўхтаб қолганди. Мана 50 йил ўтгач, фақат қизлардан иборат бўлган скаутларнинг биринчи слёти бўлиб ўтди.

В. СЕМЁНОВ суратлавҳаси (СИТА).

Мунозара учун мавзу

Муаллимжон, ўзинг мададкор бўл!

Тил миллатнинг қўрғони, нажот қалъаси. Ўзбек тили туфайлигина биз ўзбекмиз, алоҳида миллатмиз. Ўзбек тили йўқолса, халқ халқ бўлмайди.

Ўзбек тили — ўзбеклар учун ҳамма ўқув фанларининг асоси! Муаллимжон, ажабланмай, шу жумлани ушлаб тур. Фикримни ҳозир тушунтираман. Ўн тўрт яшар ўзбек бола 5-синф ўқувчисидан «физика нима» деб сўраб кўрсин. Чунки у ҳали 6-синф физика дарслигидан «физика» сўзи грекча «фюзис» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «табиат» демакдир. Физика — табиат ҳақидаги фанлардан биридир», — деган таърифни қоридек ёд олмаган. «Физика» ўрнида «жисмшунослик» дейилганда ёки ундан ҳам яхши тушунарли бошқа бир ўзбек сўзи билан аталганда, бу фан табиатдаги жисмлар ҳаётини ўрганиши — физиканинг бош фикри болага ўз-ўзидан аёнлашарди. «Физика»да урғу биринчи бўғинга тушади — ўзбек тилининг оҳисталик қонунига зид. Урғу сўз ўртасига тушиб, бели қийшайган «математика» ҳам юнонча. Талаффузи ўзбек тилига зид, маъносининг ҳам тағи қоронғи, европача атамалар дарсликларда сон мингта. «Математика»дан кўра инқилобдан илгари қўлланган ўзимизнинг азиз ва маъноси равшан «ҳисоб» сўзи болаларбоп, айни таълимбоп эди-ку, нега содиқ хизматкор ишдан бўшатилиб, ўрнига корчалон олинди? «Астрономия» — бу нима дегани? Тағин зимистон. Агар у «осмон ҳақидаги фан», осмоншунослик «ёки қадимги номида» «фалакиёт» деб аталганда, ном фанга калит бўларди. «Анатомия», «ботаника», «зоология», «биология», «география», «химия» — ҳаммаси ўзбек тилининг миллий талаффуз қонунларини бузиб, тилимизни инкор этиб турибди.

Энди суянган тоғимиз — ўзбек тили фанидаги манзарага кўз солайлик. Мана ундаги қисм ва бўлим «командирлари»нинг номи: «грамматика», «фонетика», «орфография», «орфоэпия», «пунктуация», «стилистика», «морфология», «лексикология», «синтаксис», «аффикс», «синоним», «омоним», «антоним», «пароним»... Ўзбек тилининг асосий тушунчалари махсус шифрланиб, маъноси яширилган. Ўзбек тилини ўрганмасин, тушунолмай ва ёқтирмай, охири безиб кетсин, деб атайин шундай қилингандек. Ўзбек тили дарси мактабдаги энг зерикарли ва тушуниксиз фанга айланиб қолгани бежиз эмас. Ўзбеклар оммаси саводсиз бўлиб қолганининг асосий сабабларидан бири мана шу — илмий атамаларнинг тушуниксизлиги ва ётлигидир.

Халқ бу қабоҳатдан фақат саводсиз қолиш билангина қутулса, ҳарна эди. Ундан бешбаттар ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Ёт атамаларни ёдлаш (кўрқорилик) ўқувчиларни ўйламасликка, онгсизликка ўргатмоқда. Кейинги оғир иллатлардан бири шуки, дарсликлардаги бегона командир-атамалар ўзбек болаларни ғарибликка ўргатмоқда, жафога кўниктирмоқда. Армияда, ўзга миллатлар орасида ўзбеклар мунғайиб елкасини қисиб юриши шундай: болалик чоғидаёқ ўз юртида ёт атамаларга, ёт ғоялар ва манфаатларга, ёт одамларга талатилган.

Физика, химиягина эмас, ўзбек тили дарсликларида ҳам ўзбек тили манқуртга айланган. Халқдаги бузилиш дарсликлардан, тилнинг бузилишидан бошланган миллий тиллар йўқолиб кетиши «назариётчилари» ишни пухта олиб борганлар.

Халқ тили — қомусий билимлар мажмуаси. Айни чоғда она тили — энг яхши муаллим, ҳеч бир ўқитувчи она тиличалик кенг, чуқур ва тушунарли қилиб ўргатолмайди. Мана шу маънода ўзбек тили ўқув фанларининг асосидир. Ўзбек халқини таназзулдан олиб чиқиш шунчаки гап, ниқоб эмас, чин мақсад бўлса, фан номлари, илмий атамаларни зудлик билан ўзбекчалаштириб, дарс жадвалларига уларнинг ўзбекча номларини ёзиш, дарсларда болаларга ўзбекча номини эълон қилиш — болаларни тушуниб тинглашга, онгли бўлишга ўргатишни бошлаш даркор. Арабча ё форсча номларини қайта тиклаш эмас, соф ўзбекча ном топиш зарур.

Масалан, «ўсимликшунослик» (ботаника), «ҳайвоншунослик» (зоология), «тирикшунослик» (биология), «таншунослик» (анатомия), «иқлимшунослик» (география) каби йўсинда. Ўзбек тили дарслигини ўзбекчалаштиришда қуйидаги атамалар диққатга сазовор: «ҳарфшунослик» (орфография), «талаффузшунослик» (орфоэпия), «луғатшунослик» (лексикология), «сўзшунослик» (морфология), «гапшунослик» (синтаксис), «тинишшунослик» (пунктуация), «маънодош сўзлар» (синонимлар), «шаклдош (товушдош, ёзувдош «сўзлар» (ононимлар), «зиддиялар» (антонимлар). Бу атамаларнинг маъноси болаларга беизоҳ тушунарли эканидан ташқари атама фан билан ўқувчи ўртасида руҳий яқинлик ҳосил бўлади, ҳар иккиси битта халқнинг фарзандларидек иноқлашади.

Муаллимжон! Бутун умид сендан. Бутун классик шеърият Алишер Навоий сени улуғлаган, XX аср бошидаги Уйғониш давридаги жадидлар маърифат тарқатишни асосий вазифа, деб билганлар ва мактаб очишга, бола ўқитишга жон куйдирганлар. Ҳамза, Авлоний мактаб очишган, дарсликлар ёзишган. Бугун атрофингни ўнлаб дарсликлар ўраб-чирмаб турганига қарамай, сен ҳам Ҳамза, Авлоний ҳолидасан: биттаям тузукроқ дарслик ёки қўлланма йўқ. Яқин ўн йилликда яхши дарслик кутма: «олим»лар ва нашриётлар — етмиш йиллик таназзулнинг норғул гуллари. Корчалонлик машқини роса олишган. Бутун умид ўзингдан, Муаллимжон! Изла, топ, ўзгартир, ўзбекчалаштир.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ,
Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти катта ўқитувчиси.

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23576.

ТВ

19 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «И. Франко номли Львов дорилфунуни». Телефильм. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм. 13.20 ЎзТВ жавонидан. Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 3-қисм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Топилмалар бюроси». Мультфильм. 18.20 «Фанга бағишланган умр». Академик Ж. А. Мусаев. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан.

18.50 Дутор ва танбур тароналари. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Кино жавонидан». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Миртемир. «Юртдошларимга». 21.30 «Ахборот». 21.50 «Хуш келибсиз!». Манзарали фильм. 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **МТ I**

15.15 «Нисо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Тожикфильм»). 16.25 «Мусиқий хазина». С. Прокофьев. Фортепьяно ва оркестр учун 3-концерт. 17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Вақт». 18.30 Омск милицияси ашула ва рақс дастасининг концерти. 19.00 «Объективда — жониворлар. Қўтос». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 20.30 «Вақт». 21.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/16 финал. «Спарта» (Прага) — «Спартак» (Москва). Чехословакиядан олиб кўрсатилади. 23.00 Олам кинокамера кўзгусида. «Совет немислари: тарих ва ҳозирги давр». 2-қисм. 23.55 А. Днишев ҳамда Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. Дирижёр — Н. Некрасов.